

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 42-43 (6883-6884)
1998 йил 2 июнь, сешанба

Сотувда эркин
нархда

ҚИШЛОҚ ЎЗИ ОРОМГОҲ...

Болалик орзуларнинг энг соф мамлакатидир. Болалик учун, тўлиб оқаётган сойларда чўмилиш ҳам, онасининг кўзларидан яшириниб қўшнининг боғига олма ўғирлашга тушиш ҳам орзу бўлади. Эҳэй бу орзуларнинг режасини неча кунлар тузади болалар. Аъло баҳоларга ўқиб ҳаммани лол қолдириш ҳам, китобдаги сеҳрли қалпоқчани топиб олиб бирдан қахрамон бўлиб кетиш орзуси ҳам болаликнинг мулкидир.

Унинг эртақларини айтмайсизми? «Гули қаҳқаҳ», «Ёрилтош». Болаликнинг эртақлари юлдузларчалик беҳад кўп. Айниқса қишлоқда орзушунос болалар кўп. Уларнинг орзулари юртига ташриф этсангиз афсоналарга, меҳрга тўла юраклар, энг тоза нигоҳларга дуч келасиз.

Бу афсонавий фаслни ким қандай кечирмокда? Бугун озод юртнинг болалари оидин келажакка қандай орзулар билан юз тутмокдалар? Уларнинг истак ва орзуларини рўёбга чиқариш учун имкониятлар етарлими?

Ёз ажойиб фасл. Ёз фасли болалар учун байрам кайфиятини олиб келади, хушнуд кунларни олиб келади. Дам олиш жойлари, ҳайвонот боғлари, кўркам оромгоҳлар болалар учун хизмат қилади. Бироқ, бу имкониятлар шаҳар болаларининггина

улушидир. Хўш, айна шу таътил кунларида қишлоқ болалари нималар билан шуғуланаяптилар?

Кўзим олдидан бир-бир ўта бошлайди:

Улар 4-5 та мол-қўйини олиб дарё бўйига борадилар. Чўмиладилар, баллиқ овлайдилар, ўт ўғриликка борадилар. Нариборса латтадан тўп ясаб футбол ўйнайдилар. Разм солсангиз, уларнинг ора-

Тушларида ҳам молларини, гарам-гарам ўтларини кўради. Улар ҳам оромгоҳларга боришлари мумкинми, шундай оромгоҳлар борми? Шу саволлар атрофида Шаҳрисабзлик 2-синф ўқувчиси Элбек Мўминов билан суҳбатлашдик.

- Йўқ, лагерга боролмайман. У ерга мен кетсам молларимни ким боқади, онамга пахтани ўтини ким

кетаман. Хайронман, шаҳар болалари ҳам бозорда юришадими, оромгоҳлар гавжум эмас.

- Шаҳар болаларининг таътилига хавасинг келадими?

- Албатта, уларнинг ҳар бир куни байрамга ўхшайди. Телевизорда кўриб қоламан, уларга кўғирчоқ театрлари, чет эл ҳайвонот олами, айниқса янги қурилган «Уолт Дисней» парклари хизматда бўлади. Жудаям хавасим келди.

Болалик таътили

лар айтади. Шу сабаб қишлоқнинг ростгўй болаларидан андижонлик Бону билан суҳбатлашдик.

- Лагерга бораяпсанми?

- Қизикми-сиз, қишлоғимизнинг ўзи лагердан зўр-ку. Менимча қишлоқдан табиатнинг энг сўлим гўшаларини топиш мумкин. Оромгоҳлар замонавийлашган бўлади, қишлоқ эса табиий оромгоҳдир. Менинг 3 ойлик таътилим бутун ўқув йилимга татийди.

- Ўртоқларинг қишлоқ шароитидан нолишяптику?

- Балки улар қишлоқларининг сўлим жойларини завқини билмаётгандир. Биз ўзимиз яратишимиз керак. Дарахтлар, гуллар экиш керак. Яйловларда шеър ўқиш мумкин, топишмоқ, эртақлар айтиш мумкин. Муҳими, ўйинқароклигимиз ҳам илм бера олсин, одоб бера олсин.

Икки хил фикр. Муҳими эса таътилни бекор ўтказмаслик. Изланиб, ўрганиб мактабга янада катта билимлар билан бориш.

Азиз болалар! Мана сиз ҳам ёзги таътилни бошлаб юбордингиз. Сизнинг таътилингиз қандай ўтяти?

Муаммолар, ютуқлар умуман намунали бола бўлиш учун, кўнгилли дам олиш учун шароитлар қандай? Бизга мактабларингизда шулар ҳақида ёзинг.

ГУЛЖАМОЛ.



сида неча-неча Пеле, Марадоналари бор. Улар куёш уфққа бош кўяётган дамда 5-6 та юлдуз осмонни беаган пайтда уйларига қайта бошлайдилар. Кейин овқатланиб бўлиб, ухлаб қоладилар. Мулфильмлар, уларга аталган эртақларни тушларида кўради.

юлишади. Ишларимиз кўп. -Лагерни яхши кўрасанми?

- Йўқ, ёмон кўраман. 2 кунда қочиб келдим. Лагер қишлоққа ўхшамайди. Мен ҳайвонот боғини яхши кўраман. ҳозир шаҳримиздаги парк, ҳайвонот олами барчаси қаровсиз, кимсасиз ётибди. Ачиниб

Туйғуларимиз ичида хавас билан самимият энг қадрлиси ва бу туйғу болаларда гўзаллашади. Хавасларининг кўркамлигини қаранг. Болаликнинг кўчаларида софлиликча қолиб кетадиган туйғулар нақадар гўзал!

Озодлик болалари ҳур фикрлар айтади, рост гап-

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон кўшиқ байрамини ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон кўшиқ байрамининг яқунловчи босқичини ўтказишга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Фармонда таъкидланганидек, Ўзбекистон кўшиқ

байрами юртимизда август ойининг учинчи якшанбасида нишонланади. Шу куни бутун мамлакатимиз бўйлаб куй кўшиқлар янграйди.

xxx

Вазирлар Маҳкамаси бу йил қорақалпоқ адабиётининг асосчиларидан бири Бердак (Бердимурод) Қарғабой ўғли туғилган кунининг 170 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул

ҲАФТАНИНГ ЕТТИ КУНИ

килди.

xxx

Мамлакатимизда ёш-шахмат усталари Эронда ўспиринлар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё биринчилиги баҳсларида муваффақиятли қатнашишди.

Ҳамюртларимиздан 12 ёшли Антон Филипов биринчи, 10 ёшли Жўрабек Ҳамрокулов иккинчи ва унинг акаси Иброҳим Ҳамрокулов 20 ёшгача бўлган баҳсларда иккинчи ўринларни эгаллаб, турнир совриндорлари бўлишди.

xxx

Жиззахда мактабгача тарбия муассасалари ўртасида

«Соғломжон ва полвонжон» мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Жиззах тумани «Дилноза» болалар боғчаси кичкинтойлари фахрли биринчи, Галлаорол тумани «Дўстлик» боғча тарбияланувчилари иккинчи, Дўстлик ва Бахмал туманидаги болажонлар эса учинчи ўринларни эгаллашди.



**ЮРАК
ОСМОНИДАН
УЧГАН
ТУРНАЛАР**

Редакциямизга турли вилоятлардан келаётган мактублар жуда ҳам ранг-баранг, қизиқарли. Уларни ўқир экансиз, негадир юрагингиз самимиятнинг нафасини туюётгандек бўлади. Хурсанд бўлиб кетасиз. Кетма-кет келаётган мактублар сизга ўзининг беғуборлиги, хайратга ўчлиги билан баҳор осмонидан ёхуд юрак осмонидан учган турналарга ўхшайди. Ўзбекистоннинг ёруғ келажagini асрагувчи-бокира юракчалар изхорини ўқиймиз. Юрак осмонидан учган турналарнинг парвози эса эзгуликка бўйлашаверсин.

**ҚОВУН
ҲИДИ**

Бу воқеа ўтган йили юз берган эди. Ўртоқларим билан қишлоқ четидаги ариқда чўмилиб, уйга қайтаётган эдик. Йўлнинг четидаги катта майдонда қовун-тарвузлар пишиб ётарди. Уларнинг хушбўй ҳиди димоғимизни қитқилаб, ўзига чорларди. Биз беихтиёр тўхтаб, бир-биримизга маъноли қараб қолдик. Қовун поллизига тушиб, қовун ёки тарвуз олиб чиқиш бу ўғирлик эканлигини ҳаммамиз яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким поллизга тушишга журъат этмасди.

Биз яна йўлга тушдик, лекин Аҳмад негадир орқага қола бошлади. Унинг ниятини тушуниб:

- Қани тезроқ юр, кейинги сафар қоровул Қахҳор бободан ўзимиз сўраймиз, унгача яхшироқ пишади-дедим унга.

Ўшандан кейин ариқда икки мартта чўмилишга бор-

дик. Ҳар сафар поллиз ёнидан ўтаётганимизда юрагимиз гупиллаб уриб қоларди. Қовун егимиз келиб қоларди. Лекин чайладан қоровул чол чиқиб қолишидан кўрқиб, поллизга яқинлашмасдик. Учинчи кун яна ўша пайкал ёнидан ўтаётганимизда чайладан: «Хой болалар», - деган овоз эшитилди. Сўнг чайладан Қахҳор бобо чиқиб:

нинг таътилни хурсандчилик билан кутиб олишларига хайрон бўламан.

Менинг мактабга бўлган меҳримни кўрган онажоним ҳазиллашиб: «Сенинг киндигинг мактабда кесилган», - дейдилар. Дадамнинг айтишларича, бу ёзги таътилни биз оиламиз билан Чортоқда ўтказамиз. Сиз ҳеч Чортоқда бўлганмисиз? У ер жуда

хайратланади. Устозим эса сизлар ўқиб илмли, маънавиятли халқ учун хизмат қиладиган инсон бўлсангизлар шунинг ўзи менга етади-дейдилар.

Эҳ-е у кишининг олижанобликлари ҳар бир нарсани одамгарчилик билан ўлчашлари ҳақида гапирсам гап кўп. «Тонг юлдузи», меним-

бўлдим. Қандай қилиб дейсизми? Мактабда аъло баҳо-ларда ўқирдим. Ойижоним, дадажонимнинг гапларидан чиқмадим. Роса кўп эртақ китоблар ўқидим. «Алпомиш» достонини азбаройи кўп ўқиганимдан ҳозир ёд биламан. Кичкиналигимдан отни яхши кўрганим учунни дostonдаги Бойчиборни роса кўргим келарди. Бобомнинг тойчоқлари назаримда худди Бойчиборга ўхшарди. Ҳеч ким йўқ пайтларда тойчоқ билан мазза қилиб суҳбатлашардим. Тойчоқ ҳам мени тушунгандай кишнаб-кишнаб кўярди. Ҳозир Бойчибор каттагина бўлиб қолган. Яқинда мактаб таътили бошланди. Энди мен ўзимнинг отим билан бирга таътилни роса мароқли ўтказмоқчиман. Бойчиборни миниб далага чиқаман. Уни чўмили-

хатлар



- Қани келинг, болаларим, қовун пишиди. Бир мазасини тотиб кўринглар-чи, уч кундан буён кузатаман, жуда ҳам одобли бола экансизлар», - деб қолди. Бу гапни эшитиб роса хурсанд бўлдик. Ўшанда қаноат одамга меҳр олиб келишини тушундик.

Биз шу кунни мазза қилиб қовун едик. Мана яна таътилдамиз. Поллиз экинлари бирин-кетин пишиб бормоқда. Яқинда қовунлар ҳам ўзининг ёқимли, димоғёраб ҳидлари билан иштаҳани қитқилай бошлайди. Мен ва ўртоқларим айни кунларда поллиз ишларига, ота-оналаримизга кўмаклашамиз. Меҳнат қилган одамга, ўз меҳнатининг мевасини ейишдан ҳам маззалироқ нарса борми?» - дейдилар бобом доим бизга.

Ҳаш-паш дегунча қовун пишиғи палласи бошланади. Биздаги қовунни емабсиз, дунёга келмабсиз. Агар ишонмасангиз ўшанда келиб, бизнинг қовундан татиб кўринг, бош устига.

**Ақбар ИСКАНДАРОВ,
Бухоро вилояти,
Шофиркон туманидаги
22-ўрта мактаб
ўқувчиси.**

**МАКТАБИМНИ
СОҒИНАМАН**

Мен Наманган шаҳридаги Абу Али Ибн Сино номли 45-ўрта мактабда ўқийман. Мактабимиз жуда ҳам чиройли, синф хоналари ёруғ, ҳозирги давр талабига жавоб бера олади.

Ўқитувчиларимиз ҳам жуда меҳрибон. Бу бола бунча мактабини мақтаяпти деб ўйламанг, мен ростини ёзаяшман. Уйдагиларнинг айтишича, ҳали мактаб ёшига етмаган пайтларимда ҳам мактабга бораман деб жанжқал қилар эканман. Илк бор мактабга борган кундаги ҳаяжоним ҳали ҳам ёдимда. «Мен ҳамма фанлардан аъло баҳога ўқийман. Ўқитувчим Маматхон Каримов ҳам менинг ўқишларимдан хурсанд.

Мана таътил ҳам бошланди. Биз жонажон мактабимиз билан уч ойга хайрлашдик. Негадир ҳар сафар таътил бошланмаслигини хоҳлайман. Ҳатто болалар-

хам сўлим. Бир марта борган одамнинг, яна ҳам боргиси келаверади. Чортоқдаги дам олиш масканига ҳатто хориждан ҳам келишади. Ҳозир мен энг яхши бадиий асарларни йиғаяпман. Чортоққа борганимда уларни мазза қилиб ўқийман»-да.

Ҳали таътил бошланганига ҳеч қанча вақт бўлган эмасу, аммо менинг тушларимга мактаб киради. Чортоқ қанчалик гўзал, ёқимли жой бўлмасин, мен барибир ўзимнинг қадрдон мактабимни соғинаман.

**Нодирбек ТУРҒУНОВ,
Наманган шаҳридаги
45-ўрта мактаб
ўқувчиси.**


ЭҲТИРОМ

Ассалому алайкум дўстим, «Тонг юлдузи»! Мана мен сенга охириги марта ўқувчи номи билан мактуб йўллаяпман. Бу сафаргисида мен кўпдан бери ёзишга қалбим даъват этган мавзу ҳақида фикр билдирганман. Яъни устоз ҳақида. Биламан ўқиб чиқиб фикрларим алғов - далғов эканлигини сезасан. Нима қилай? Мен тўғриси айтсам устозим ҳақида кўп нарсани биламан. Лекин у кишини барча ижобий ҳислатлари-ю ишларини мужасамлаштира олмадим. Яхши-си устозимни қандай эканликларини келиб барча ўқувчи, ўқитувчи ота-оналардан сўрай қол. Сенга устозимга боғлиқ бўлган бир сирни айтай.

Яқинда у киши кандидат бўлади Биламан, у киши илмий иш устида кўп ишлайдилар. Бизни ҳам беътибор қолдирмайдилар. Хабаринг бордир, шу кунларда кўп ўқитувчилар ўқувчиларни олийгоҳларга тайёрлашни пуллик усулини қўллаяпти. Лекин менинг устозим дарсдан аввал дарсдан кейин ҳатто кечқурунлари ҳам ўқишга кириш учун бепул дарс бeryптилар. Кўпчилик

ча бундай истеъдодли камтарин инсонга хайкал қўйса арзийди.

Ахир шу фикрлар менга тинчлик бермас эди. Бир эмас



кўп бора устозим ҳақида бирор нима ёзишни машқ қилиб кўрдим. Барибир у кишини таърифлай олмадим. Устозимнинг соғ-омон бўлишини истайман!

**Мунис ЎРОҚОВА,
Шофиркон туманидаги
23-мактаб ўқувчиси.**

**МЕНИНГ
БОЙЧИБОР ОТИМ**

Сиз ҳеч отга минганмисиз? Ҳеч қачон отга минмаган одам уни яхши кўролмайдди. Мени дўстимга айланиб қолган Бойчибор деган отим бор. У менинг ҳамма гапимга тушунади. Мен ҳам унинг кўзларига қараб дарров фикрига тушунаман. Бойчиборнинг онаси бобомларнинг уйларида яшарди. Бир кун у болалаганда кичкина тойчоқни бобом яхши бола бўлсанг сенга бераман, дедилар. Мен яхши бола

раман, унга ҳар-хил китоблар ўқиб бераман. Бойчиборни хафа қилмайман. Чунки одам ҳеч қачон ўз дўстини ранжитмаслиги кетмас.

Мабодо сизнинг ҳам менинг Бойчиборим билан дўстлашгингиз келса бизни-кига келинг, кутаимиз.

**Нуриддин
УМУРЗОҚОВ,
Тошкент вилояти,
Янгийўл шаҳридаги
16-мактаб ўқувчиси.**



МУАММО





КАЛЛАКЛАНГАН ТУТЛАР



Болалар билан «Битириш кечаси» дан қайтардик. Тонггача айланиб юрмоқчи. Эдик-у, аммо Раъно: « Уйга кетайлик, «Титаник» номли видеокассета бор. Бирга кўрамиз», -деб қўймади.

— Муҳаббат ҳақидами? - деб сўради Обид.
 — Қиз йигитни яхши кўриши ҳақида. Мен кўрганман, ўша кинони, — гапга аралашди Собит.
 — Муҳаббатсиз кино кизирмиди? Аммо-чи, койил қолдим-э, ўша кизга. Кема сувга чўкаяпт-ю онаси билан бирга қайиққа чиқариб қўйишса ҳам, севган йигитини кутқариш учун яна кемага кириб кетади. Хаммадан ҳам йигитнинг занжирланган қўлини кесаман деб болтани мўлжалга олганини айтмайсизларми!
 — Унақанги кўркмас қизлар қаёқда, — деди Салима. — Тунда ташқарига чиққим келса, ойимни уйғотиб ёки укамга ялиниб ўтираман-у... хаммамиз кулдик. — Лекин менинг мардлгим тутиб кетди.
 — Мен ҳеч нарсадан кўркмайман, - дедим. - Абдулла Қахҳорнинг «Дахшат» номли ҳикояси бор-ку, ана ўшанақанги об-ҳаво бўляпти.
 — Шамол ҳам турди. Хув анави каллакланган тутларнинг орқасида қабристон. Кўркмасанг, бориб чой қайнатмасанг-да, юлғун шохидан юлиб кел, - деди Гулмира қошларини чимириб.
 — Бўпти, - дедим мен ҳам. Аммо оқ куйлагим ва ингичка пошнаги туфлигимни аяган бўлиб мингилладим: — Шудгорга кирсам кўйлагим чанг бўлади-ю, бунинг устига туфлигим оёғимни сиқиб турибди...
 — Юринглар, хаммамиз бирга борамиз, - деди Кодир. - Мактабни битириш кечасидан бу сайр ҳам бир эсдалик бўлиб қолади-да!

Сўнгги кўнғироқ... Битирув оқшоми...
 Юракларимиз хапқириб кетади. Гўё эртага бир-биримизни кўрмайдигандек. Гўё эртага Кодир-олим,



Салима-ўқитувчи, Халима- уй бекаси бўлади. Демак, мавзулари ҳам, орзулари ҳам ўзгача бўлиб учрашганларингизда хаммангизнинг ҳаёлингиз ҳар тарафда юради, - деяётгандек...

Шунинг учун ҳам юринглар бу оқшом тонггача юринглар. Бирга ҳаёл суриглар, бирга ўйнаб кулинглар... Хаммамиз қабристон томон йўл олдик. Олдинда ажиб тинчлик. Ортда машиналар ғувиллаши, симёғочларга илинган чироқларнинг хира шуъласи...

Шу пайт пилла қурт учун шохлари каллаклаб кетилган тутларга кўзим тушди. Йўк, ўша тутнинг чўлтоқ шохлари орасидан мўралаб турган одамларнинг кўзлари баъзилари тиржайиб, баъзилари ниманидир гапирмоқчи бўлгандек ўқрайиб қараб турарди!

Таққа қотиб қолдим. Ё туфли пошнаси тупроққа ботиб кетди, Ёки, тупроқ бир қарич баянлаб оёғимни кўмди. Озоданинг чинқирганча орқага қоцаётгани, Обид билан Собитнинг гарангсиз тургани, Халиманинг муз қотгани-ю Мавжуданинг тили калмага келмай қўлимдан тутиб орқага тортаётгани... Хуллас, хушимни йўқотдим шекилли... Бир вақт ўзимга келсам, онам мени уришиб: «Ярим тунда авлиёлар масканида нима қилиб юрибсизлар? Мана шу-да бетайин, бемақсад ўйнаб юришларнинг оқибати! Бозор айланавериб, мени овора-ю, сарсон қилиб олдирган туфлигининг пошнаси тушиб қолгани-чи?! Энди янаги йил оқшомда ўша шудгордан синглинг топиб келар-а?...» -деб турардилар.

КУМУШ

ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШУВ

ЁНҒОҚ ҚАЧОН ПИШАДИ?

Гулноз боғда укаси Хуршидни ўйнатиб юрарди. Тўсатдан унинг ҳаёлига бир фикр келди.

- Хуршид юр, сенга бир нарса кўрсатаман, - деди у кўзларини сирли чақнатиб.

- Нима экан у? - сўради Хуршид кизиксиниб.

- Хо-о, олдиндан айтмайман, - деди Гулноз. - Юр, юрақол, ўзинг кўрасан.

Гулноз укасининг қўлчасидан тутди-ю, боғ ичкарасидаги тарвақайлаб ўсган ёнғоқ дарахти томон бошлади.

- Манави ёнғоқ дарахти, - деди Гулноз ва кечаси бўлиб ўтган кучли шамолда узилиб тушган ёнғоқ баргини укасига кўрсатди. - Кўряпсанми, мана-ви барглар ўзидан шунақанги бир модда чиқарадики, ундан кунду капалаги жудаям кўрқади. Шунинг учун ҳам ойим сандикка доим ёнғоқ баргларини солиб қўядилар. Ёнғоқ дарахти жудаям узок яшайди, бақувват бўлади. Ёнғоқнинг мевалари эса соғлиқ учун жудаям фойдали, уни еган кичкина болалар ақлли бўлишади.

- Мен ҳам ёнғоқ есам ақлли бўламанми? - сўради Хуршид.

- Бўлмасам-чи, - деди Гулноз. - Лекин ёнғоқни кўп есанг касал бўлиб қолсан, чунки хамма нарсанинг ҳам меъёри бўлади. Биласанми, Хуршид, ёнғоқнинг хали пишмаган ғўр меваларидан, пўстлоғи ва баргларидан тиббиётда кўп дори-дармонлар тайёрланади, ёғочидан қурилишда фойдаланилади.

- Мени ҳозир ёнғоқ егим келяпти, - деди Хуршид азамат ёнғоқ дарахтининг шохларида маржондай тизилган кўм-кўк дончаларга тикилиб.

- Йўк, ёнғоқ хали хом, уни ҳозир еб бўлмайди, - шонилмай тушунтирди Гулноз. - Ёзда ёнғоқ мевачалари Қуёш бобонинг қайноқ нурларидан қув-

ват тўплайди ва куз келганида ширин бўлиб пишади. Ана шунда уларнинг мағзи тўк, витаминларга бой бўлади, ўзини еган болаларга куч-қувват бахш этади.

- Э-э, куз келгунича хали анча бор-ку, - деди Хуршид бўшашиб то кўм-кўк ёнғоқчаларга, гоҳ баҳор куёшига қараркан.

Хуршиднинг шохларда мар-

жондай тизилган ёнғоқлардан шунақанги татиб кўргиси келаятгандики!

Шу-шу хар сафар боққа кирганида Хуршид ёнғоқ дарахтига қараб-қараб қўяди. Лекин биронта ҳам ёнғоқча куз келмасидан олдин пишганини ўйламаётгани кизик-да!

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА.



Мактублар қутиси «ТОЗАЛИККА РУОЯ ҚИЛИНГ!»

Дунёда аёл зоти борки, уларнинг ҳовлилари, кўчалари покиза ва озода бўлмоғи керак. Мен бувижоним билан суҳбатлашиб ўтирганимда. Илгари ўзбеклар хонадонлари, кўча ва ҳовлини ифлос тутишни ўзларига ёмон одат деб билишар эди, дедилар. Эрталаб кўчага чиқсангиз, кўчанинг покизалигига ҳавасингиз келар экан. Кўча, ҳовли супуриш ҳеч қандай буйруқсиз бажарилар экан.

Энди-чи? Кўчада ахлат том бўйи бўлиб кетса ҳам тураверади. Сабаб: ахлат ташийдиган машина келмаган ёки вақт йўқ. Маҳалла оксоқоллари ҳам замонавийлашиб кетди. Улар ҳовли, кўча тозалигига кўп эътибор беришавермайди.

Менинг қизларга илтимосим ариқлар лабига гул ёки райхон экинг. Кўча тозалигига эътибор беринг. Ахир ўзимиз учун-ку улар!

ЁҚУТ ЁЗ

Ўлкамизга ёқут ёз Мана кириб келмоқда. Ёқут ёзнинг шамоли Шабодаси елмоқда.

Ёқут ёзни болалар, Соғинган эдик роса. Юртимиз ёзи ёқут, Чанг, ғубори йўқ, тоза.

Шаҳноза АРЗИЕВА,
 Андижон вилояти,
 Андижон туманидаги
 42-ўрта мактабнинг
 4 -«Д» синф ўқувчиси.

Ўқитувчи:
 — Валижон, нега кўлларинг бунча ифлос?
 — Мен кўлим билан бетимни ювган эдим.





Оналар ёзади
ХАФА БЎЛСАМ
ЙИГЛАЙМАН

Кечки соат тўққизларда дарвозамиз қўнғироғи жириглади. Одатда бундай пайтларда ҳеч ким келмасди. Бемаҳалда чақирган ким экан, деб ҳовлиқиб эшикни очдим. Қарасам, 3-синфда ўқийдиган ўғлимнинг

энг яқин синфдош ўртоғи Баҳромжон экан.

Дарвоқе ўзим яхши билмаган Баҳромжон билан сизларни таништирай.

У бизникига тез-тез келиб туради. Бирор мартаба унинг жарангдор овози-ю болаларча қувноқ кулгусини эшитмагандим, ҳамиша хомуш бўлиб юрарди. Хатто салом берганда ҳам овози кулокка илинмасди. Гоҳида ўғлимга ҳазиллашиб: «Ўртоғинг гапиришни биладими?» -деб ҳам қўярдим. Шунда у «билади» дерди-ю гапга нуқта қўярди. Хуллас ўғлим ўртоғи ҳақида ортиқча ҳеч гап айтмасди, тўғрироғи, айтишни хоҳламасди. Хохламаётганини сезганим сари уларнинг ҳаракатлари сирлидек туюларди...

Дарвоза олдида кўзлари нурга тўлган, саломида ҳам бахтиёрлик аломати сезилиб турган Баҳромжонни кўриб хайрон қолдим. У бўлса:

- Опа, дадам қайтиб келдилар. Энди биз билан бирга, бир уйда яшарканлар. Искандарни чақириб юборинг, тезроқ чиқсин. «Полицейский»ни кўрсатмоқчийдим. Буни менга дадам совға қилдилар. Мениям дадам бор энди, - дерди ховлиқиб.

Кутилмаган бундай гапдан кўзларимга ёш кела бошлади. Аммо тилимга сўз келмасди.

- Опа, нега йиғлаясиз? Хафамисиз? Искандар эшитса роса хурсанд бўлади-ку.

- Йўғ-э, нега хафа бўларканман, - дейман ўзимни тутиб. - Қувонганимдан йиғлаяпман-да.

- Мен эса хафа бўлсам йиғлайман,

- Қўй, ҳеч қачон йиғламагин, болажоним, - дейман уни бағримга босиб.

Шу вақт ўғлим ҳам келиб қолди. Баҳромжон мени буткул унутиб, Искандарга дадаси ҳақида гапира кетди. Қўлидаги ўйинчоқ машинани эса эҳтиётлаб томоша қилишди.

Ха, бу икки ўртоқ жуда-жуда хурсанд эдилар. Уларни бу ҳолатда кўриб мен ҳам қувондим.



Кейин билсам, унинг ота-онаси бирга яшамас, Баҳромжон эса бу ҳақда бошқаларнинг билишени хоҳламас экан. Хатто ўқитувчиси ота-онасининг иш жойини сўраганида: «Дадам инженер бўлиб ишлайдилар», деб қўя қолибди, Факатгина Искандарга отаси уларни ташлаб кетганини, аммо «дада» сўзини айтишни жуда-жуда яхши кўришини айтибди. Хатто хаёлан дадаси билан гаплашар, бирга ўйнар ҳам экан.

Ох, болажоним! Бунчалик хомуш бўлиб юришингга сабаб ота меҳрига ташна эканлигингни бугун сезиб турибман. Отанг сендек фарзандларини ташлаб кетганида уялганмиди? Жажжигина юрагинг «отам йўқ» деб айтишдан ор қилди, қийналди. Онанг, аканг сенга қанчалик меҳрибон бўлишмасин, ота ўрнини босолмабдилар-да.

Бошингни тик тут. Бугун сенинг хаёлларинг рўёбга чиқди. Бошингда ота-онанг парвона!

Сен яхши кўрган «дада» сўзини такрор ва такрор айт, ҳамма билсин, энди сенинг ҳам даданг борлигини.

Кеча сен ва тенгдошларинг байрами - Халқаро болаларни химоя қилиш куни нишонланди. Демак, сен ҳақингда қайғурувчилар бор. Дунё болалари сенга ҳавас қилади.

Илоё бағрингга даданг қайтгани рост бўлсин. Сенга ва сенинг оилангга ҳеч қачон кўз тегмасин.


Феруза ОДИЛОВА.

Масал

КАМТАРИН КИТОВ

Қалам қаддини гоз тутиб, кўкрак кериб мақтанибди:

Мен агар бўлмасам, ҳарфларни ёзиб ўрганмасдилар. Айниқса, болалар сўз ёзишни, жумлалар орқали фикрларни ёзиб билолмасдилар.



Расм дафтари унинг сўзини илиб кетибди: Мен бўлмасам болалар расм чизишни, табиатни билиб, мушоҳада қилиб, чизиб, фикр доираси ўсмай қоларди.

Уларни сукунат ичида кузатиб турган китоб эса лом-мим демай майин жилмайиб

қўйибди холос. Ахир у болалару, катталарга бутун оламни танитаётган бўлса ҳам, мақтанишни ёмон кўраркан-да!..

Саъдулла ЗУЛУНОВ,
Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги
13- мактабнинг 9-«Б»синф ўқувчиси.

Бу кўшиқни ўрганинг



ТИНЧЛИК

Абдулла ТУРДИЕВ шеъри
Султон АНВАРОВ мусикаси



Бизнинг ёш, жўшқин дилда
Шуъладор Ватан тонги.
Ҳар чечакда, ҳар гулда
Бетимсол Тинчлик ранги.
Нақорат
Тинчлик азиз, муқаддас.
Диллар шодон бахтиёр.
Эзгу, орзу -ҳар нафас -
Гулларга тўлар диёр.
Янграсин, диллар сози
Куйига ҳар ён тўлсин
Бахтиёрлар овози
«Дунёда тинчлик бўлсин».
Нақорат



Газетхон илҳоми

АСАЛ АРИ

Асал ари дерлар мени
Касбим асал йиғишдир.
Билсанг агар, йиғмоқ
асал,
Жуда ажойиб ишдир.
Боглар кезиб ўйнаб,
кулиб
Хушбўй гуллар
излайман.
Гўзалликдан ором олиб,
Гул ҳаётни кўзлайман.



Бог меники? Қир меники?
Меникидир адирлар.
Асал ёқса, гулни севсанг,
Гўзалликни қадрла.

ОҚ ҚАНД

Оптоқман деб, ширинман
деб,
Гердайиб кетди,
Еб қўйишди,
мақтанчоқлик
Бошига етди.

ИСТИҚЛОЛ

Сўлим оқшом бог
айландим
Чечакларни оралаб.
Даста тердим маржон
гулдан
Сарасини саралаб.
Мени кўриб, кўкка чиқди
Оймома ҳам чарақлаб
Ногоҳ унга савол бердим
Тақдирларимни
сўроқлаб,
«Оймомажоним, оймқиз,
кўкда олтин доира
Қулогимга қўй,
шивирлаб
Бўларманми
шоира?»
Орзу, хаёл дарёсида
мавжланиб сузиб
кетдим.
Танҳо дўстим оймомани
ўзимга сирдош этдим.
«Истиқболнинг порлоқ
доим
Ўқи, интил, қимирла
Деди оймома ойм
қулогимга шивирлаб.
Истиқболим ва иқболим
порлоқ бўлса яхши-да,
Оқшом терган
чечакларим
Оймомамга бахшида.
Манзура БЕКЧОНОВА,
«Хива тонги» газетаси


ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



1 июнь - ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



БОЛАЛИККА ЧИЗГИЛАР

Болалик... чексиз туйғу. Чек-чегараси кўринмайдиган оппоқ умид, орзу-истаклар дунёси. Болаликнинг ширин дамлари киши дилига ўзгача тароват бахш этади. Болалик... Уни эслаган саринг хаёлингдан нималар кечмайди. Юрагинг бир сирли энтикиб қўяди. Ниманидир, кимнидир соғинасан. Кўча чангитиб чопганларинг, тойчоқдек ирғишлаб лой кечганларинг, соф ва беғубор кулгулар... ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгингдан кино тасмасидек ўтиб боради.

Болаликни эслаган саринг теран бир орзулар вужудингни қамраб олади. Гўё бу орзулар поёнига етмайдигандек туюлади. Яна ширин-ширин хаёл... энтикиш...

Болаларнинг мурғаккина дилларида нимадир яширингандек, кўзмунчоғдек тим қора кўзлар сени аллалаётгандек бўлади. Беихтиёр лой кўчаларда қолиб кетган ўз изларингни ахтаришга тушасан.

Қани энди топа олсанг?! Ҳа, яна чуқур-чуқур ўйлар. Кунлар, ойлар, шу зайлда тўхтовсиз ўтиб боради. Яна баҳор келади, яна умидларимиз ғамларни аллалайди. Ўз сеҳрини кўз-кўз қилиб она табиат бизга ёшлик дамларимизни эслатади. Тагин боғда бодом гуллайди. Шу бодом гулларига ҳамоҳанг тарзда ҳар бир киши, бир ёшга улғаяди. Менинг эса болалик нурли-нурли эрмак бўлиб хаёлимда юради, сирли бир эртақлар бўлиб тушларимга киради. Ҳайратлар мени бетоқат айлаб юрагимдан ором айрилади. Сен ўшасан, ардоғимда қолган ёшлигим. Сен менинг рангинкамон ўйлариму, олисолис йўлларимни ёритувчи чироғсан. Кўз ўнгимда болалигим чақмоқдек ярқ этади. Ярқ этади-ю, кўнглим илиқ нур билан тўлиб тошади. Кўнглим бир лаҳза чароғон бўлиб, бу дунёни беармон тарк этгандек бўлади. Бу дунё армонлари

сон-саноксиз, дунё - бир кам... Эрта тонгдан эсган ёқимли шабада киши дилидаги ғамларни бутайди. Аммо, ўртанган қалбни баттар ўртайди. Ён-веримда, мислсиз хазонлар ёнади. Ёнади-ю, титроқли бир сас келади: “Қайдасан болалик, қайдасан болажон?!..”.

Ҳеч бир бола йўқ-ки, “Қачон катта бўлар эканман” деб орзу қилмаса. Лекин, улар билишмайдики, катта бўлгандан сўнг мана шу ширингина орзу, аччиқ армонга айланади. Вужудингда сирли титроқ сезасан, соғинасан. Лекин, болаликни ортга қайтара олмайсан.

Одамлар бор ўтган умридан рози, одамлар эса бор, ўз умридан норози бўлиб яшашади. Кимдир амалга ошган орзулари ҳақида сўз очса, кимлардир қалби қаърига кўмилиб кетган армонлар ҳақида сўз очади. Мана мен ҳам мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасидаман. Мен ҳам болалигим билан тез кунлар ичида хайрлашман. Мен унинг қабрини қалбим гунчасида яратаман. Зеро, пок, эзгу ниятлар рамзи бўлмиш болаликни ҳали очилмаган гунчага қиёслагим келади. Шу ўринда киприklarимни дилимдаги туйғулар сиёҳига ботириб болалигимга атаб чизгилар чизаман, унинг шаънига ашъорлар битаман. Балким болалигимдаги кўп ширин дамларни, шодлиги ғамларни унутгандирман. Бироқ, не бўлганда ҳам ҳар бир кимса дилига ишқ, вафо, илҳом туйғуларини бахш этган ҳақни зикр қилиб яшамоғи лозим деб биламан. Шунда ҳам дардсиз санъат, илҳомсиз қасида бўлмайди. Кишилар йўқки армонсиз бўлмаса. Чунки бунга ҳаёт дейишади. Бунда армон кўп. Ҳар ким ҳам дунёни ҳар хил кўради. Кимлардир билиб, кимлардир билмай яшашади-ки, ҳар бир кимса бу дунёни фонийга ўгай. Не бўлганда ҳам унда оппоқ-оппоқ орзулар, туйғулар бор. Бу туйғулар қироли болалиқдир. Аммо, у қисқагина бир эртақ мисоли тез тугаб қолади. Балким бир кун келар юракдаги умидларимни тақдирнинг қори сўлдирар, бир кун келар бу дунё бегона бўлади менга, лекин ўшанда сени асло унутмасман менинг шўх, ўйноқи болалигим.

Мен ушбу маҳзун сатрларни битаетган бир паллада қош қорайиб куёш уфққа бош қўяётган эди. Гўё мен болалигим билан хайрлашаётгандекман. Унсиз кўз ёш тўкаман. Ўшанда нима учун йиғлаганимни ҳануз билмайман. Балки, фалак иродасидир.

Бу дақиқаларни тасвирлашга ожизман...

Гавҳар Қобил қизи,
Бухоро вилояти,
Когон туманидаги
1-ўрта мактабнинг
11-синф ўқувчиси.

УШБУ СОНДА:

...Расулжон Султоналиев
этакчилигида астойдил меҳнат
қилиб, нафақат вилоятда, балки
республика миқёсида илғорлар
сафида дадил бормоқда, биз
бундан ниҳоятда фахрланамиз.

БИР ЁҚДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

7-БЕТ

Ўтган замонларнинг уш-
мундоқ кирдикорлари тўфо-
нига андармон бўлиб, “3-
Боёвут” хунар лицейига қан-
дай етиб келганимизни ҳам
сезмай қолибмиз.

БОЁВУТГА САЁҲАТ

8-БЕТ

Она овози эшитилгач, чақ-
лоқнинг сўриги сўриш оралиги
қисқарса, у ҳолда она овози так-
рор эшиттиришга қўйилди. Ўзга-
риш юз бермаган ҳолларда эса
бегона аёл овози эшиттирилди.

ОНА

9-БЕТ

АҚШнинг айрим денгиз соҳил-
ларидаги курортларда махсус
ўргатилган дельфинлар қоровул-
лик қиладилар. Улар соҳил
бўйлаб юриб, акулаларни пляжга
ўтишга йўл қўймайдилар.

БИЗ ЗАМОН ФАРЗАНДАРИМИЗ

10-БЕТ

Америка университетларига
ўқишга киришдан олдин у ерда-
ги таълим тизими хусусида бир-
икки маълумотга эга бўлсангиз,
зиён қилмайсиз. Аввало, айтиб
ўтиш керак, Америка олий ўқув
юртларида ўқиш пуллик...

**АМЕРИКА УНИВЕРСИТЕТЛАРИГА
ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?**

11-БЕТ

ЎШИН МАЙДОНЧАСИ

12-БЕТ





«МЕН СОЛИҚЛАР ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМАН?»



Маълумингизким, ўтган йилнинг декабрь ойида Давлат Солиқ қўмитаси, "Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси, Халқ таълими вазирлиги, Бозорни ривожлантириш маркази (TACIS) ва АҚШ дунё корпу-си билан ҳамкорликда рес-публикамиз микёсида ўқув-чилар ўртасида "Мен солиқ-лар ҳақида нималарни би-ламан?" танловини ("Ёш иқтисодчи" 1-сон, 1 январь 1998 й.) эълон қилган эди. Биринчи босқичнинг 59 са-волига мингдан ошиқ ўқувчи жавоб мактубларини йўллашди.

Иккинчи босқичга 102 на-фар қатнашчи ўтди. Шарт иқтисодий мазмундаги бир-мунча мураккаб саволлар-дан ташкил топган эди. Ва ниҳоят, учинчи босқичда 15 нафар ўқувчи қатнашди.

Бундан ўн йиллар олдин солиқ ҳақида катталар би-лан ҳам мусохаба олиб бо-риш бирмунча ғайритабиий эди. Шунинг учун ҳам тан-лов ташкилотчилари кўриқ-да ёшларни иқтисодий би-лим доираларни текшириш-ни эмас, балки солиқ ҳақида билимлар, пойдево-рини қўйишни мақсад қил-дилар. Тўғри, биринчи бо-сқичда ўқитувчилар яқиндан ёрдам беришган. Бундан ташқари, биринчи босқич уй иши сифатида мустақил бўлганлиги сабаб қатнаш-чилар Солиқ кодекси, иқти-содий маълумотномалар, йўриқномалардан фойдала-

ниш имкониятига эга бўлдилар.

Танловда болаларга кат-таларнинг берган ёрдами маъқулми ё йўқ? Бу муаммо-ли савол 6-7 синф ўқувчи-ларнинг катталар йўнали-шига тушган жавобларидан сўнг пайдо бўлди. Энди қатъий айтиш мумкин. Са-ралаш натижасида танлов барчасини ўрни-ўрнига қўйди. Биринчи босқичда махсус адабиётлар ва кат-таларнинг кўмаги билан ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар иккинчи босқич-нинг амалий топшириқла-рини бажара олмадилар. Монитор қаршида босқичган катталар ҳам бош қотирдилар. Чамаси жараён ота-оналарга ҳам фойдадан холи бўлмади. Ва энг қув-нарлиси шу бўлдики, катта-лар еча олмаган жумбоқлар-ни уларнинг фарзандлари хал қилишди.

Ҳал қилувчи учинчи бо-сқичнинг бошланиш арафаси. Ҳаяжонли дақиқалар. Ун-гача ота-она, ўқитувчиларнинг танловга муносабатларини акс-садосини бераётган суҳбатлари қулоққа бот-бот чалинади.

- Мен Янгийўл шахридаги солиқ инспекциясида бош бухгалтер бўлиб ишлайман, - дейди Гўзал Губаеванинг онаси. Танловда иштирок этишни қизимга мен таклиф этдим. Ёрдам ҳам бердим.

Иккинчи босқичдаги савол-ларга жавоб беришда қий-налдик. Саволлар бирмунча

мураккаб эди. Лекин 8-синф-да ўқиётган қизим уларга тўғри жавоб топди. Тасаввур қиласизми, биз охири соат-гача тайёрландик.

Динора Одилованинг она-си: "Ишонсангиз танловда барча оила аъзоларимиз би-лан қатнашдик. Оиламизда иқтисодчилар бўлмаса-да, иқтисодий нашрларни дои-мий мутолаа қилиб боришим жуда фойда берди-да".

...15 та компьютер, 15 та калькулятор - буларнинг барчаси сўнгги босқич те-стига шай. Болалар, ота-она-лар, ўқитувчилар, бозорни ривожлантириш маркази ва Тошкент шаҳар солиқ бошқ-армаси сервис-маркази му-тахассислари ҳаяжонда...

Қуръа ташланиб, қайси иштирокчи қайси компью-терда ишлаши аниқлаб олинди. Уларга компьютер-да ишлаш яна бир бора ту-шунтирилди.

Мана бу маълумот ўқув муассасалари учун анча му-ҳим гап. Биринчи босқичда 33 нафар лицей ўқувчилари қатнашди. Улардан 18 нафа-ри II-босқичга ўтди. III-босқ-ичда уларнинг 6 нафарини компьютер қаршида кўрдик. Уларнинг барчаси энг юқори балларни тўпла-дилар.

... Компьютер - ҳакамлар ҳайъати эмас. У бир зумда натижани экранда муҳайё қилади-қўяди. Қатнашчилар нечта саволга тўғри жавоб ёздилар, қанча вақт кетди ва тахминан нечанчи ўринда

эканликлари ҳақида ҳам маълумотларни олишга ул-гурдилар. Сўнгги сўзни ай-тиш ҳакамлар ҳайъатига қолди.

Лицей ўқувчиларига тан-лов нима берди?

- Уларга мустақил ҳара-кат, кучига, билимига ишонч, агар қобилият, хо-ҳиш бўлса кўп нарсаларга эришиш мумкинлигини;

- Танловни ҳаёт билан уз-вий боғлиқлигини, унга тай-ёрланиш жараёнида кўпги-на маълумотларга эга бўлиш имконияти борлиги-ни;

- Ўзига ишонч, ҳаракат, изланишни.

Мана иштирокчилар би-рин-кетин компьютерлари ёнидан босқичиб, яқинлари ҳузурига йўл олдилар. Яна ҳаяжонли савол-жавоб, му-рожаат, энгил танбехлар;

- Нега тез чиқасан, озгина ўйлаб ўтирмайсанми?

- Нима учун бунча шош-динг?!

Уларни тушуниш мумкин. Лекин тўғри жавоб бериш вақт билан эмас, сифат би-лан ўлчанди. Натижалар эълон қилинди. Ғолиблар - Евгений Федоров, Нилуфар Каримова, Владислав Само-хин. Танлов ҳайъатининг ра-иси В.Беганов Давлат солиқ қўмитаси раиси номидан биринчи ўрин олган қатнаш-чи - Евгений Фёдоровга "Айва" видеомагнитофони, 2-ўрин эгаси - Нилуфар Ка-римовага Халқ таълими ва-

зирининг ўринбосари Ю.Саиджонов "JVC" аудио-магнитофони, 3-ўринни ол-ган иштирокчи - Владислав Самохинга "Рубикон U-tel" уяли алоқа тармоғининг со-тув, реклама, маркетинг хизмати директори Л.Ма-нунцева "Sony" аудиомагни-тофони ҳадя қилдилар. Бун-дан ташқари ғолибларга "Азия траст" компанияси директори З.Зокиров "Жай-хун-Инвест" ХИФнинг акция-лар пакетларини тақдим қилди. "Кока-Кола ичимлиги Тошкент ЛТД" қўшма корхо-наси ғолибларга - қалпоқ ва майкалар совға қилди.

"Иқтисодиёт ва ҳуқуқ ду-нёси" нашриёт уйи 166-сон-ли иқтисодиёт лицейини совғага лойиқ деб топди. У лицейни "Солиқлар ва бож-хона хабарлари", "Частная собственность", "Банк ахбо-ротномаси" нашрларига бе-пул обуна қилди. Танловдан мақсад фақат моддий рағ-батлантириш эмас эди. Бу қизиқишларни оширишдаги бир усул. Асосийси, олий мақсад амалга ошди. У - мактаб доирасидаги би-лимлардан чиқиб, ҳаёт оқимидаги йўналишларни ўрганиш, англаш, таҳлил қилишни ёшларга ўргатиш эди. Чунки шу ўқувчилар эр-танги ҳаётимизни белгилов-чи келажагимиз.

Нилуфар КАРИМОВА: „КўПРОҚ НАРСА БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН“

"Ёш иқтисодчи"нинг ёш иқтисодчи билан суҳбати

- Нилуфар, иқтисодиёт фани-нинг қайси мавзуси сизни кўпроқ қизиқтиради?

- Пул тўғрисидаги.

- Нима учун?

- Пул, бутун инсоният тараққи-ети давомида одам томонидан қилинган ихтиролар орасида энг оддийси ва энг мураккаби, энг ту-шунарлиси ва энг чалкаши пул-

дир. Инсониятнинг энг аянчли фожиалари ва энг оламшумул ютуқлари пул билан боғлиқ. Пул одамлар ҳатти-ҳаракатлари ва фаолиятида асосий туртки берув-чи омил бўлган ва шундай бўлиб қолади.

- Ўқиган китобларингиз ичида қайсилари сизда кўпроқ қизи-қиш уйғотди ва нима учун?

- Биринчиси, "Амалий иқтисо-диёт" ўқув қўлланмаси, бу дарслик америкалик профессор Херолд Т.Шепаро (Колорадо) 1985 йилда чоп этилган. Бир неча марта қайта нашр этилди. Ўзбек тилига 1996 йилда таржима қилинди (А.Ваҳо-бов раҳбарлигида).

Бу китоб жуда тушунарли, ихчам, илмий тилда ёзилган. Эркин бо-зорнинг иқтисодий назариясини англаб олишда, зарур асосий маъ-лумотларни беради. Ҳозирги кун-да ушбу ўқув қўлланмасининг АҚ-Шдаги муваффақияти уни дунё-нинг яна 30 га яқин давлатида тар-қалишига ёрдам берди. Тенг-дошларим ҳам шу китобни кунт билан ўқиб ўрганишини истардим.

- Иқтисодчи бўлиш ўз иста-гингизми, ёки ота-онангизнинг орзусими?

- Ўзим қарор қилдим. Иқтисо-диётни чуқур ўрганмоқчи бўлдим, чунки у бутун ўзаро иқтисодий му-носабатларнинг ўзагидир. Кўпроқ нарсани билиш имконияти ўзига жалб этади. Шунинг учун ушбу билимлар менга жуда керак бўла-ди. Ҳақиқий иқтисодчи бўлиш учун нимадан нима қилиниши, бунга

қанча маблағ кетишини билиш ло-зим.

- "Мен солиқлар ҳақида нима-ларни биламан?" республика ўқувчиларининг танловига ўз хоҳишингиз билан қатнашдин-гизми?

- Албатта. Лицейнинг ўқув ишла-ри бўйича мудири, Гўзал Аҳмедова ўқувчиларга газетада эълон қилин-ган 1-босқич танлов саволларини берди. Шу сабабли, қатнашдим.

Бунгача солиқ тўғрисида кам нарс билардим ва солиқ кодекси-ни ўрганиш мароқли эканлиги тўғрисида ўйламаган эдим. 3 та босқичда 120 та савол бўлса, улар оддий эмас, мураккаб эди. Чунки берилган топшириқ ва масалалар-ни ечиш учун жуда кўп иқтисодиёт-та оид адабиётларни, газета ва журналларни, Солиқ тўғрисидаги кодекси, луғатларни ҳамда солиқ-лар ҳақидаги республика Прези-дентининг барча фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор-ларини чуқур ўрганишни тақозо қилди.

Суратда: ғолиблар - Евгений Федоров, Нилуфар Каримова, Владислав Самохин.





БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

Истиклол шарофати туфайли ўзлгимизни англаш, миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, миллий қадриятларимизни тиклаш имконияти юзага келади. Бу борада, аввало, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Республикаимизда жуда катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бизнинг Марҳамат тумани маорифчилари ҳам Расулжон Султоналиев етакчилигида астойдил меҳнат қилиб, нафақат вилоятда, балки республика миқёсида илғорлар сафида дадил бормоқда, биз бундан ниҳоятда фахрланамиз. Таълим-тарбия соҳасидаги айрим ютуқларимизни айтиб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. 23-ўрта мактаб ўқувчиси Наима Аликулова ўтган йилги Республика олимпиадасида (адабиёт фани бўйича) ва "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" иншолари кўрик-танловининг Республика босқичида фахрли II-ўринларни олиб, Тошкент Давлат Университетига имтиёзли қабул қилинди. Бу йил эса 24-мактаб ўқувчиси Муборак Талабоева Республика ижодкор ўқувчилар анжуманида фаол иштирок этиб, Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Мамлакатимиз бўйлаб жуда катта кўтаринкилик билан ўтказилган "Сиз

қонунни биласизми?" кўрик-танловида туманининг "Адолат" гуруҳи барча босқичларда фаол иштирок этиб, республикада фахрли III-ўринни олишга муваффақ бўлди. 39-ўрта мактаб ўқувчиси Денис Прокаев республика олимпиадасида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилининг ўқитилиши бўйича муваффақиятли иштирок этди. "Эрши" гуруҳимиз эса бир неча йилдан буён "Ўйла, изла, топ!" телемусобақасида муваффақият билан иштирок этиб келмоқда. Бу сафар ҳам бизга омад кулиб боқиб, вилоят босқичининг ғолиби сифатида телетанловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Бундай ютуққа эришишимизда гуруҳ аъзолари - Муборак (24-мактаб), Сурайё (23-мактаб), Азиз (9-мактаб), Хасанбой (31-лицей), Наврўз (7-гимназия), Дилноза (23-мактаб) ларнинг муносиб улуши бор. Улар шу кунларда олий тоифали ўқитувчи Тошмуҳаммад Анорбоев (23-мактаб) етакчилигида телемусобақага қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўқувчиларимизга омад ёр бўлсин!

Рисолатхон УМАРОВА,
туман Халқ таълими бўлими
она тили ва адабиёт
фани услубчиси.

Бугунги саҳифамиз
меҳмони Андижон
вилоятининг Марҳамат
тумани халқ таълими
бўлими.

ТАЪТИЛДА БЎШ ЎТИРМАЙМАН

Мен Марҳамат туманидаги 27-ўрта мактабнинг 9-синфида ўқийман, исмим Гулноза. Мен сизга айтсам, кўп нарсага қизиқаман, замон билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қиламан. Ўтган йили ёзги таътил кунларида информатика фани асосларини, компьютерни бошқариш сирларини яхшироқ ўрганиш мақсадида пуллик курсга кириб ўқидим. Бу йил ҳам таътилни бекор ўтказмоқчи эмасман. Қандай дейсизми? Ўзингизга маълум ҳозирги кунда тил билмай туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Шунинг учун таътил давомида инглиз тилини ўрганиш билан шуғулланмоқчиман. Бунда менга дадам ёрдам берадилар. Балки дадаси инглиз тили ўқитувчиси эканда, деб ўйларсиз? Йўқ, янглишасиз.

У киши асли йўл қурилиши муҳандиси, тадбиркор. Ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида инглиз тилини мустақил ўрганишлар ва менга ҳам ёрдам бермоқчилар.

Азиз ўқувчилар! Сизга ҳам маслаҳатим шуки, ёзги таътил кунларини бекор ўтказмай, бирор фаолият билан шуғулланинг. Ахир, "Ёшликда ўрганганинг - тошга ўйиб ёзилгани" деб бежиз айтишмаган-ку.

Ҳа, айтмоқчи, мен яна жисмоний меҳнат билан ҳам шуғулланаман. Чунки, ҳовлимизда иссиқхонамиз ҳам бор. Унда қишин-ёзин помидор, бодринг етиштирамиз. Бу ишда ҳам ота-онамизга, албатта, ёрдам берамиз.

Гулноза АХМЕДОВА,
27-ўрта мактаб
9-синф ўқувчиси.

ШОИРОНА ИҚТИСОД

Лицейимизнинг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, аҳил жамоамиз кўп иш қилишга улгурди. Ўқувчиларнинг йил давомида ўрганганларини сарҳисоб қилиш мақсадида "Биз иқтисодни ўрганамиз" мавзусида мушоира ўтказдик. Бунда 9-синфнинг "Тадбиркор" ва 10-синфнинг "Аудитор" гуруҳлари ўзаро куч синашдилар. Мусобақа шартлари ранг-баранг ва қизиқарли бўлгани учун беллашув ниҳоятда қизгин ўтди. Савол-жавобларда 10-синф бироз устун келган бўлса, бугунги иқтисодий ҳаётга оид сахна кўринишида 9-синф ўқувчилари ака ва опаларини доғда қолдирдилар. Уларнинг ижрочилик маҳоратларига биз ўқитувчилар ҳам қойил қолдик. Шундан сўнг ҳар иккала гуруҳ ўз нишони ва нима учун "Тадбиркор" ва "Аудитор" деб номланганларини шарҳлаб бердилар. Ва ниҳоят, сўнги босқичда сардорлар Умиджон ва Шавкатжонлар ўзаро куч синашдилар. Ҳар иккаласи ҳам ишончли оқлаб, билимдон ва зукко эканлигини намоиш этдилар.

Мушоирада 10-синфнинг "Аудитор" гуруҳи ғолиб бўлса-да, улар билан тенг беллаша олган 9-синф "Тадбиркор" гуруҳини ҳам ҳеч ким мағлуб ҳисоблагани йўқ. Мушоиранинг қизиқарли ва жонли ўтишида Умид, Шавкат, Соҳиба, Азамат, Воҳид, Майрам каби ўқувчиларимиз фаол иштирок этдилар. Шу куни лицейимизда ўйин-кулгу, байрамона кайфият кечгача давом этди.

Василахон НАЗИРОВА,
31-ҳуқуқшунослик,
иқтисодиёт ва информатика
лицей-интернатининг
маънавий-маърифий ишлар
бўйича директор ўринбосари.



Дуторнинг "тили" ўзгача.

Ўзингизга маълумки, ҳозирги кунда компьютерларсиз ҳаётни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Оддий ўйинлардан тортиб, улкан заводларимизни бошқаришгача компьютерлар энг шимариб хизматда. Шунинг учун мен ҳам "Информатика ва ЭХМ асослари"ни пухта ўрганмоқчиман. Бунинг учун эса математикани яхши билишим керак экан. Мактабимизда табақалаштириб ўқитиш жорий қилинган. Бошланғич синфни тамомлаганимиздан кейин қайта-қайта синовлар ўтказилди ва мен ҳам иқтидорли дўстларим қатори математика фанига ихтисослаштирилган

ОРЗУИМ ЙЎЛИДА

"гимназия" синфига қабул қилиндим.

Устозимиз Жалолиддин Мансуров математикадан чуқур билим бериш билан бирга информатика асосларидан ҳам дастлабки тушунчаларни ўргатмоқда.

Яқинда мен учун муҳим бўлган бир янгилик эшитиб қолдим. Туманимиздаги 31-ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт ва информатика лицейида 7-синф учун қабул имтиҳонлари ўтказилар экан. Дадам билан хужжат тайёрладик-да, топшириб

қўйдик. Ҳозир синовларга тайёрланапман. Менга устозларим Жалолиддин Мансуров математикадан, Азизахон Шоматова инглиз тилидан, Саодатхон Эргашева она тилидан имтиҳонларга тайёрланишимда яқиндан ёрдам беришпти. Агар омадим келиб, лицейга қабул қилинсам, орзуим йўлида яна бир қадам ташлаган бўлардим. Мақсадим, келажакда компьютер санъатини пухта эгаллаган иқтисодчи бўлиб, халқимга сидқидилдан хизмат қилишдир.

Расулжон ШОКИРОВ,
27-ўрта мактабнинг
6-синф ўқувчиси.

ҲУНАР ЎРГАНИЯПМАН

Мактабимизнинг йўлида бир ҳовли бор. Айвонидаги устунлар ҳам, каттакон дарвозаси ҳам ўйма нақшлар билан безатилган. Ҳар гал шу ердан ўтаётиб, ғалати кайфиятга тушардим. Дарвозадаги ажойиб сирли нақшлар мени ўзига тортар, устанинг маҳоратига қойил қолардим. Кейин билсам, бу уста ўзимизнинг ўқитувчимиз Ҳожиакбар ака Йўлдошев экан.

Бешинчи синфга ўтганимизда фанлардан ҳар хил ўқитувчилар кира бошлади. Меҳнат таълими муаллими биринчи куниде шундай деб қолдилар: "Болалар, йигит кишига қирқ хунар ҳам оз, дейдилар. Мана сизлар ҳам улғайиб, оила бошлиғи бўласиз. Бирор хунарни пухта ўрганиб олсангиз, кам бўлмайсиз. Мен сизларга бугундан бошлаб махсус дастур асосида ёғоч ўймакорлигини ўргатаман. Агар ҳақиқий ихлос билан ўргансангиз ҳеч бир зиён қилмайди. Ҳам иқтисодий жиҳатдан фойда қиласиз, ҳам қилган ишингиздан қалбингиз қувонади. Қолаверса, ўймакорлик энг нозик санъат турларидан бири ҳамдир".

Мен жуда хурсанд бўлиб кетдим. Ахир, орзуим ўз-ўзидан амалга ошадиган бўлди-да. Мана шунга ҳам 2 йил бўлибди. Ҳозир анча қўлимиз келиб қолди. Ўртоқларим Дилмурод, Тўлқин, Раҳматилло ва бошқалар домлаимиз топшириқларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Мен келажакда Ҳожиакбар акадек моҳир уста бўлиб, жонажон Қорақўрғон қишлоғимизнинг янада обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Сирождин ИКРОМОВ,
27-ўрта мактаб 6-синф ўқувчиси.



**МАНЗИЛ БИЛАН
МАШВАРАТ**

Агар Сирдарёнинг Гулистони-га йўлингиз тушиб, баҳайбат темир йўл кўпригидан шундоқ йўлнинг нариёғига ўтсангиз, пештоқиға "Автобошбекат" (?) деб ёзиб қўйилган чоғроққина бекатга рўпара бўласиз. Бу ерда автобуслар сафарга чоғланиб, қатор саф чекиб туриш-маса-да, ҳартугул кети узилмайди. Бирин-кетин келиб-ке-тиб тураверади.

"3-Боёвут" ширкатлар уюшма-сига худди шу ердан улов бўла-ди. Дарвоқе, бир жиҳатни эъти-бор дафтарчангизнинг хошия-сига қоралаб қўйинг: "Боёвутда Боёвутдан кўпи йўқ. "1-Боёвут", "2-Боёвут", "Разъезд-Боёвут". Шу боис, Боёвутларнинг олд қўшимчасини аниқ-тиниқ били-шингиз шарт. Билъакс, манзи-лингизнинг таноби тескари то-монга тортилиб қолиши мумкин.

Хуллас, пешонасига "Гулис-тон-3-Боёвут" деб белги қўйил-ган автобуснинг қораси кўрини-ши билан, бир тўп одам "гурра" ёпирилади. Сиз ҳам улардан улги олиб, ортда қолмай, жой-ингизни эгаллаб олсангиз, бас. Тиқилинчу шовқин-суронга мар-донавор дош берсангиз бўлди, у ёғи ярим соатга қолмай "3-Боё-вут"да кўз очиб турибсиз-да.

Бу ердаги манзаралар ҳам барча чўл худудларидан бир тур-қи фарқ қилмайди. Давлат қуриб берган, икки оилага мўлжалланган томи черепицали қатор уйлар. Гузар қисмида хўжалик идораси, клуб, дўкон-лар ва ҳоказо.

Бироқ, "3-Боёвут"да бошқа ҳамхудудларидан фарқланиб турувчи яна бир бино савлат тўкиб турибди. Тўрт қаватли, гиштин. "Ҳайбатига қараганда бирор бир маъмурий бино бўлса керак" дея шошилманг. Асло. Бу ҳашамдоргина маскан наздимизда оддийгина ҳисоб-лангувчи хунар лицейи бўлади. Агар расмийроқ оҳангда айта-диган бўлсак,

**Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги
"3-Боёвут" хунар лицейи.**

Йўлдаги ўйлар

Одамзотнинг табиати қизиқ. Озгина холи қолдими, хаёлнинг жиловини бўшатиб юборади-да, унинг ортидан қаерга бошласа лўкиллаб кетаверади. Хаёл қур-гур ҳам кўп саркаш бўлади. Эгасини бир зумда мингта те-шикка олиб кириб, олиб чиқади.

Биз ҳам аждодлар анъанасига содиқ қолган ҳолда ўзимизни хаёлнинг етовига топширдик. Бахтимизга, у кўп ҳам саркашлик қилавермай, биз кўзлаган манзил теваарагида айланаверди. Унинг таважжухимиз майдончасида дарж этган излари бу турур:

**БОЁВУТГА
САЁҲАТ**

Ўқувчилик пайтларимиз. 8-синфнинг адоқлари. Бир маҳал синфга мактаб директори ва ташкилотчи кириб келишди. Ҳамма "гувв" этиб жойидан кўзгалди. Шивир-шивир бош-ланди. Чунки директор ҳуда-беҳудага ташриф буюравер-масди-да.

Директоримиз гапни салмоқ билан узоқдан бошлади. Хунар тўғрисида анча ваъз қилди. Сўнг тўсатдан "сан", "сан" дея саккизтача синфдошимизни ниқтаб кўрсатди-да, "ПТУга ўтасанлар" дея гапини тугатди. Қандай салобат билан кириб келган бўлса, шундай чиқиб кетди.

"Ниқталган" ўқувчилар хунар билим юртига ўтишди, гарчи кўнгиллари чопмаётган бўлса-да.

Бундай ҳол ўша замонларда ҳар бир мактабда юз берганига шубҳа йўқ. Чунки, ПТУ деб аталмиш даргоҳ мактаблар учун "ўзлаштирмовчи", "безори" ўқувчилардан қутулишнинг осонгина йўли эди.

Мактабларга ўқув йили охи-рида режа бериларди: "бу йил палонта ўқувчи берасан". Та-мом. Шунча ўқувчи мактабдан бадарға қилиниши керак.

Тўғри, ўқишни эплолмагандан кейин жиллақурса бирор хунар-нинг бошини тутгани маъқул, деган ният бўлган. Бироқ, қай-си хунар билим юртини қара-манг, барчаси тракторчилик, ҳайдовчилик, монтерликка ўргатарди. Айниқса, қишлоқ хунар билим юртлари. "Э, ба-рака топкурлар, дунёи дунда шу учта касбдан бошқа хунар йўқми?" дейдиган бир киши топилмасди. Қишлоқларда иш-сиз тракторчилару ҳайдовчилар гурас-гурас бўлиб юришарди. "Бу бечораларнинг икки йил умри ҳавога учиб кетди-ку!" дегувчи одам йўқ.

Хуллас, ана шундай мажбу-рийлик ҳукмрон эди, ўтган за-монлар.

**БОЁВУТНИ БОЙ
ҚИЛГУЛИК ЛИЦЕЙ**

Ўтган замонларнинг ушмун-доқ кирдикорлари тўфонига ан-дармон бўлиб, "3-Боёвут" хунар лицейига қандай етиб келгани-мизни ҳам сезмай қолибмиз. "Отангга (яъни, ўзимга) балли-е, хаёлнинг учқур оти.

Лицейнинг ҳовлиси мўъжазги-на хиёбонни эслатаркан. Ба-ҳорнинг сафари қариётган ушбу кунларда кўп хўшманзара касб этган, ҳовли.

Бизнинг ташрифимиз талаба-ларнинг амалий машғулотлари айни қизғин бир пайтга ҳамна-фас бўлиб қолибди. Лицей ди-ректори шулар билан банд экан шекилли, тополмадик. Дирек-торнинг тарбиявий ишлар бўйи-ча ўринбосари Абдусаттор Суя-ровга рўпара бўлдик.

Сухбат ибтидоси анъанавий олди-берди - ҳол-аҳвол сўраш билан бошланди. Кириш қисми-дан сўнг асосий мавзу мусоҳа-басига ўтдик.

- Абдусаттор ака, ёшларни ҳам илми, ҳам хунарли қилиш бугунги кун таълимининг оғриқ нуқталари-дан ҳисобланади. Республика Вазир-лар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон Республика-сида ўрта махсус, касб-хунар таъ-лимини ташкил этиш чора-тад-бирлари тўғрисида" қарори ҳам бе-жиз эмас. Очиғи, бурунги касб-хунар ўқув юртлари илм ва хунар уйғунлигини таъминлай олмаган, номигагина фаолият юргизувчи бир маскан эди. Шу маънода ўша за-монларда сизлардаги аҳвол нечук эди?

- Хўроз ҳамма ерда бир хил кичкиради. Бизда ҳам бўлчакча бўлган эмас. У пайтлар уч йўналиш бўйича - тракторчилик, ҳайдовчилик, чилангарлик касб-ларига ўргатардик. Шуниси ачинарли эдики, бирор бир ўқувчи ўзи иштиёқ билан кел-масди. Ё мактаблардан мажбур қилиниб "бадарға" этиларди ёки жуда иложсиз қолинган ҳолларда "боре, мендан нима кетди, жуда бўлмаса дипломи-ни сандиққа ташлаб қўярман" деган ўйдаги ёшлар келарди. Иккинчи даражали маскан ҳисобланарди-да, кўпчилик на-здида.

- Ўқув юрти қачон лицейга ай-лантиради?

- Бундан икки йил аввал.

- Ушбу ўзгаришлар хусусида тўхталсангиз.

- Аввало, моддий базамиз ях-шиланди. Тўла компьютер маж-муига эга бўлдик.

Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф тушунчалари етакчи ўрин тутди. Айниқса, бизнинг соҳамизда касб марке-тинчини билиш жуда муҳим. Ҳозирги кунда кўплаб кичик корхоналар, хунармандчилик

гўшалари очиларди. Биз ана шуларни ҳисобга олиб энг ав-вал гиламдўзлик, ип йигирув цехлари мутахассислари курс-ларини очиб, ўқувчиларни тайё-рлаб бердик.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, кенг йўналишдаги касб-ларга тайёрлашни йўлга қўйдик. Олдинлари фақатгина тракторчилар тайёрланган бўлса, энди унга қўшимча ра-вишда уста пахтакор, фермер-чорвадор, фермер-ўсимликшу-нос каби касбларни ҳам ўртага бошладик. "Бир товукча ҳам сув керак, ҳам дон керак" деганла-ридай, фермер юқоридаги касб-ларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиши керак. Қишлоқ хўжали-гида фаолият юритаётган шахс нафақат унинг техникаси билан тиллаша олиши, балки унинг агротехникаси, ҳисоб-китобини ҳам билиши лозим. Кенг йўна-лишда касблар ўргатишига ўтганимизнинг боиси ҳам шун-да. Бундан ташқари, бу йил "кичик бизнес ҳисобчиси" гу-руҳи ҳам очилди. Бу йил уни биринчи 25 нафар талаба бити-риб чиқади. Яна "ҳисобчи-таф-тишчи-ғазначи" гуруҳларини ҳам ташкил қилдик.

- Энди ўқувчилар бу даргоҳга ўзлари бир иштиёқ билан келишаёт-ган бўлишса керак?

- Албатта. Ҳозирда улар учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам зарур бўлган касбларни ўргата бошладик. Демак, ўқувчилар учун хўжаликларда иш тайин. Фақат ҳужжат учун ўқиш даври ўтиб кетганини улар ҳам яхши тушунишади.

- Қуруқ назарий маълумотлар амалий сабоқнинг ўрнини боса ол-майди. Шундай эмасми?

- Албатта. Бизда ҳар бир фан, ҳар бир мутахассислик ўз хо-насига эга. Машғулотлар айнан шу хоналарда ўтказилади. Ком-пьютер билан кўп машғулотлар ўтказамиз. Катта устахонамиз бор. Бундан ташқари муайян мутахассислик бўйича дарслар-ни бевосита жойларда ўтказиш-га ҳам катта эътибор берамиз. Умуман, лицейимиздаги таълим жараёнини замон талабига жа-воб бергулик даражага кўтариш учун бор имкониятларимизни сарфляяпмиз.

Асқар ШОКИР.

Р.С. Яқин кунларда лицейни коллежга айлантириш тараддуди кўри-ляпти экан. Шундан сўнг, лицей маъмурияти янгидан-янги имконият-ларни ишга солиб, эришаётган ютуқлари салмоғини янада ошириши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, лицейнинг Боёвутни бой қилгулик шашти бор. Зеро, хунарнинг таги - олтин-да!



ОНА

Онанинг майин ва меҳрибон овози фарзанд қалбида бир умрга татиғулик сеҳрли садо бўлиб сақланиб қолади.

Эндигина дунёга келган чақалоқ ўз ҳаётининг илк кунларида ҳам она овозидан таъсирланиши мумкинми ёки йўқми?

Олимлар ушбу саволга жавоб топиш учун бир қатор тажрибалар ўтказишди.

Тажриба учун соппа-соғлом уч кунлик чақалоқлар танланди. Чақалоқлар алоҳида палатага ётқизилди ва уларга тажрибали ҳамширалар бириктирилди. Чақалоқлар тажриба палатасидан кунига тўрт маҳал - фақат эмиш учун олиб чиқилди. Тажриба бошланганида ҳар бир чақалоқ ўз онаси бағрида 12 соатгина бўлган эди, холос.

Чақалоқлар билан "суҳбат"лашиш пухта ўйлаб чиқилди. Чақалоқ ўринга яхшилаб ётқизилди, кейин сўргич берилди, табиий, улар мириқиб "эма" бошладди. Сўргичга эса датчик жойлаштирилган, у қайд этувчи электрон мосламага уланган эди.

Одатда чақалоқлар сўргични дам-бадам, тўхтаб-тўхтаб сўришади. Ана шу тўхтаб дақиқаларидаги нисбатан осойишта лаҳзаларгина чақалоқлар ҳис-

сий реакциясини кўрсатувчи дастур сифатида кузатилди.


Олдинга чақалоқнинг сўргич сўриш оралиғидаги маълум фурсат аниқлаб олинди. Сўнгра чақалоқ қулоғига тақилган наушник ёрдамида ўз онаси ёки бегона аёл овози ёзиб олинган магнит лентаси эшиттиришга қўйилди.

Она овози эшитилгач, чақалоқнинг сўргич сўриш оралиғи қисқарса, у ҳолда она овози такрор эшиттиришга қўйилди. Ўзгариш юз бермаган ҳолларда эса бегона аёл овози эшиттирилди.

Чақалоқлар она овозини эшитишни хошлашар ва буни сўргич сўрмай турадиган вақтга боғлиқлигини сезиб қолишгач, оралиқ дам олиш фурсатини қисқартиришга ҳаракат қилишарди. Энди тажриба ўзгартирилиб, чақалоқ камроқ сўраётган фурсатдагина она овози эшиттирилди. Натижада кечагина она овозини эшитиш учун тинмай чўпиллатаётган чақалоқлар, энди тажриба усули ўзгариши билан сўргични камроқ сўрадиган бўлишди.

Сўнгра 16 нафар чақалоқда ҳам шундай тажриба ўтказилди. Тажриба бор-йўғи 20 минут давом этганига қарамай, чақалоқлар ўз ҳатти-ҳаракати билан она овозини эшитишга майл билдиришди.

Шундай қилиб чақалоқлар уч кунлигидаёқ она овозини таниши мумкинлиги аниқланди. Чақалоқнинг бу қобилияти она қорнидалигидаёқ пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас.



Интизорлик

Хандалар

- Архимед ким?
- Математик грек.
- ☺ ☺ ☺
- Балиқлар об-ҳавони ўзгаришига қандай реакция берадилар?
- У бурчақдан бу бурчақка тинимсиз сузаверадилар.
- ☺ ☺ ☺
- Карим, хабар оҳангида гап тузчи?
- Устоз, кўнғироқ чалинди.
- ☺ ☺ ☺
- Баракалла, Анвар. Машқни тўғри бажарибсан. Энди буни тўғрилигини қандай текширасан?
- Текшириб нима қилдим. Ўзингиз "Машқни тўғри бажарибсан" дедингиз-ку.
- ☺ ☺ ☺
- Устоз, мен динозаврлар нега қирилиб кетганини билдим.
- Нимага экан?
- Чунки улар эмланмаганлар!
- ☺ ☺ ☺
- Гербарий олиб келдингми?
- Йўқ.
- Нега?
- Уни қаерда ўсишини билмайманда.
- ☺ ☺ ☺
- Қурбақалар қишда нима қиладилар?
- Жанубга учиб кетади...

АҚЛИНГА ЗАВОЛ ЕТМАСИН

Яхши ўқиганлиги учун ёзги таътил кунлари дадаси Шўхратни ишхоналарига қарашли Буручмуллдадаги болалар дам олиш уйига бир ой муддатга юборди. Дам олиш уйи - лагер шундоққина сой бўйида жойлашган экан. Ўнг томондаги тепаликни арча ва буталар қоплаб ётарди. Ҳавоси жуда энгил, ёқимли. Ҳар кун гуруҳ раҳбари бошчилигида нонуштдадан кейин чор атрофни ўрганиш мақсадида сайрга чиқишади. Сайрдан қайтгач, сойнинг белгиланган жойида чўмилишади. Кейин тушки овқат ва уйку соати. Сўнгра турли тўғрақларда машғулотлар. Кечқурунлари эса концерт, турли қизиқарли ўйинлар, кино ёки телевизор кўриш. Мазза. Шанба, яшанба кунлари эса кўпинча шаҳардан ота-оналар келишади. Келганларига бир ҳафта бўлмасданок, эрталабки сайрга чиқишга болалар таратдудланиб туришганида радио карнайдан Шўхратнинг яқин ўртоғи Собирни қоровулхонага чақариб қолишди. Дадаси келипти. Собирга қўшилиб Шўхрат ҳам қоровулхонага югуртилади кетди. Улар кучоқлашиб кўришишди. У киши Шўхратнинг дадаси билан бирга ишлашади.

- Мен ўғлимнинг олдида келаси ҳафтда борсам керагов, деган эди даданг, - деди ўртоғининг дадаси.

- Амаки, хат ёзиб берсам, дадамларга олиб бориб берасизми? - сўради Шўхрат.

- Яхши бўларди. Мен ўртоғинг билан бир-икки соат бирга бўламан. Сен шошмасдан, бемалол ёзиб кел, - деди амаки.

Шўхрат ётоқхонага югуриб кетди.

Шўхрат хатида уйдагиларга салом ёзгач, бор гапини асосан оппоқ ддадасига йўллади. Шаҳарда гумбаз тагидаги қурт бозорига ўтиб кетаётганда наъматак сотаётган чол билан наъматак ҳақида гаплашганини эслатди. Ўша ота лагеримиз яқинида яшарканлар ҳам қоровуллик қилар эканлар. Мен танишиб олдим. Улар "Оппоқ ддаданг биз томонларга бир келиб кетсалар жуда яхши бўлар эди. Айланиб, томоша қилиб, мириқиб кетар эдилар. Қимиз сероб", - дедилар. Арчазор ичида наъматаклар жуда кўп. Қани энди, мактабимиз шу ерга яқин бўлганида эди, ўртоқларимни наъматак теришга олиб чиқардим. Ҳозир улар хом. Атрофдаги наъматаклардан тўрт-беш қоп йиғиб олса бўлади. Ўтган ҳафтдада қоровул ота "Юр ўғлим, уйимизни ҳам кўриб келгин. Оппоқ ддаданг келсалар, бошлаб борасан", - дедилар. Уйларида қатик, сузма билан меҳмон қилдилар. Уларнинг ҳам менинг укаларимдан кичик неваралари бор экан. Уларниқига кетаётганимда маймунжон, ошга соладиган дориворларни ва яна ҳар хил ўтларни кўрсатиб, уларнинг шифобахшлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Қоровул отаниқига хотинлари "Болам, ддадангга хат ёзсанг, бувижонинг ҳам келсинлар" деб илтимос қилдилар. Бу ерда ўриқлар энди думбул бўла бошлади. Олчалар қизарган, лекин жуда аччиқ. Шўхрат хатни буклаб ўртоғининг дадасига берди.

Ўртоғининг дадаси тўғри айтган экан. Дам олиш кунлари дадаси ўз машинасида оппоқ ддадаси, бувиси ва укасини олиб келди. Улар Шўхратни узоқ вақт бағирларига босиб, юз-кўзларидан ўпиб кўришишди. Машинадада бир талай нарса олиб келишибди. Печенье, конфет, тешиқулчалар Шўхратга маъқул бўлди, лекин бир талай ёпган нон, гўшт, ёғ, гурунч, пиёзларни кўриб, у кулди:

- Дадашиб, опамлар бешик тўйга олиб борадиган нарсаларни олиб келибсизлар, ўзлари қаердалар?

- Ахир, бизларни қоровул отаниқига олиб борарсан, - деди бувиси.

- Уларниқига тўй бўларканми?

Ҳаммалари гур этиб кулиб юборишди.

- Ўзимиз бир ошхўрлик қиламизда, - деди оппоқ ддадаси.

Шўхрат гуруҳ раҳбарининг розилигини олиб, меҳмонларни қоровул отаниқига бошлаб кетди. Қоровул ота, унинг хотини ва келини Шўхратнинг оппоқ ддадаси, бувиси, дадаси билан эски қадрдонлардек кўришишди.

- Вой, айланайларей, намунча шунча нарса олиб келдиларинг, - дейишди уй бекалари машинадан совғасаломларни олишар экан, ҳижолат тортиб.

- Мозор бости қилиб олиб келдикда, арзимас нарсаларни, - деди Шўхратнинг бувиси.

Қоровул ота катта набира сини юбориб, қаердандир ўғлини айтириб келди. У келишида иккита балонда қимиз олиб келди.

- Набирангиз зеҳни ўткир бола экан. Ўша бозорда мени бир марта кўргани эсида қолган экан, - деди қоровул ота. - Сиз билан учрашиб, наъматак ҳақида гаплашганимизни ёдимга тушириб, ўзини таниди.

- Невараларим ичида шуниси тadbиркор чикиб қолди. Сиз билан суҳбатлашгандан кейин дала-боғимиздаги панжаралар остига экилган наъматакларни териб келамиз деб дадасини кўндирди, - кулди оппоқ ддадаси. - Барака топгур, хатида дадамлар, қоровул отамларни териб қўйган ҳамма наъматакларингиз кузда машинадада ўзимиз олиб кетамиз, деб кўндирсалар яхши бўларди деб ёзипти.

- Ҳа-да, отахон. Наъматакларни тердириб қўйсангиз, кузда ўзим келиб, машинадада кўтарасига олиб кетаман, гапга аралашди дадаси. - Сиз кўтариб, шаҳарга олиб тушиб овора бўлмайсиз.

- Неварамиз орқасидан қадрдон ҳам бўлиб қолдик. Албатта, бизниқига меҳмонга боринг. Ўша ўзингиз биладиган бозордан уйимиз унча узоқ эмас, - таъкидлади оппоқ ддадаси.

Аёллар ош сузиб келишганда қариялар суҳбатлашиб анча ҳордиқ чиқаришди. Аёллар ва болаларга лаганда ошни айвонга беришди. Ош еб бўлингач, Шўхратнинг оппоқ ддадаси дастурхонга узоқ дуо қилди. Кейин атрофни айланиб келиш учун кўзгалашди.

Кун анча оғиб, Шўхратнинг оппоқ ддадаси билан қоровул ота аср намозини ўқиб олишгач, шаҳарга қайтиш

таратдудини кўришди. Кетиш олдида Шўхратнинг дадаси қоровул отанинг эътирозига қарамасдан, ишончли бўлиши учун озгина закалат пули берди. Қоровул ота меҳмонларни катта кўча муйилишигача кузатиб чиқди.

Куз кириб, мактабларда ўқиш бошланиб кетгач, Шўхратнинг дадаси дорихонага бориб, бу йил наъматакларни қанчадан олишлари мумкинлигини билиб келди. Йўл харажатлари-ю, қоровул ота наъматакларни қанчадан бериши мумкинлигини чамалаб чиқди. Ўз меҳнатини ҳисобга олмаганда олиб келинадиган наъматаклар йўл харажатларини оқлайди. Келаси ойнинг ўрталарида дам олиш кунини Шўхрат ддадасининг машинасида қоровул отаниқига бориб, тахминан ҳам кўпроқ наъматак олиб келиб дорихонага ўтказишди. Шўхратнинг дадаси тушган маблағдан хурсанд эди. Ўз далаҳовлиларидан териб келинадиган наъматаклар хусусида Шўхрат ҳеч ким ўйламаган таклиф бериб қолди:

- Директоримиз билан маслаҳатлашиб, мактаб ошхонасига топширсак. Компот қайнатиб бериб туришарди ўртоқларимга ҳам. Далаҳовлимиздаги наъматакларни ҳашар қилишиб, синфимиздагилар билан ўзимиз териб келамиз.

- Балли ўғлим. Тану-жонинг соғ бўлсин. Ақлингиз завол етмасин. Келажакда инсофли, доим халққа қайишадиган сармоядор бўлгин, - деб дуо қилди Шўхратнинг оппоқ ддадаси, унинг ақлига қойил қолиб.

Домла ЭРКИН.



АФСОНАВИЙ МАХЛУҚ

Афсонавий махлуқлар ҳақидаги дастлабки ёзма ахборотлар асримизнинг 30-йилларига бориб тақалади. Оғиздан-оғизга ўтиб келаётган гапларга кўра, 505 йилдаёқ сувдаги, аниқроғи Шотландиянинг Лох-Несс кўлида даҳшатли махлуқни кўришган. Бу "илон бошли ва узун бўйинли балик" 1527 йил нимадандир дарғазаб бўлиб, кўл соҳилидаги дархтларни ағдарганлиги, одамларни жароҳатлаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шундан кейин бу афсонавий махлуқ ҳақидаги овозалар камайди.

1880 йилда яна шу кўлда кўнгилсиз воқеа рўй беради. Сайёҳлар билан тўла бўлган елканли кема очик ҳавода ўздан-ўзи тўнтарилиб, кўл қаърига чўкиб кетади. Яна миш-мишлар авж олади. Уни кўрган одамлар ҳам топилади.


1934 йилда эса лондонлик врач кўл ёқасида ўтиб кетаётган сувдан антиқа бир ҳайвоннинг оққушники каби бошини чиқариб турганини кўради ва уни суратга туширади.

1957 йилда "Худди эртақдагидек" номли китоб нашр этилади. Бу асарда Несси махлуқини 117 киши кўрганлигию, уларнинг барчасини таърифи бир-бирига ўхшашлиги айтилади: махлуқнинг танаси йўғон ва катта, бўйни жуда узун, боши танасига нисбатан кичик.

1963 йили кўл қирғоғида махлуқни "қамал қилиш" учун махсус портлатишлар ўтказилади. 290 та дурбин кўл бўйига ўрнатилади. Натижалар чакки бўлмайди. Махлуқни 6 марта кинотасмага муҳраш ва 40 марта кўришга муяссар бўладилар.


Ўзи бу сеҳру-синоатга бой кўлнинг атрофи тоғлар билан ўралган. У ерда игна баргли дархтлар ўсиб ётади. Йил бўйи туман аримади. Кўлнинг майдони 55 квадрат км, чуқурлиги 325 метр. Кўл тубида сув ости горлари, гранит қоялар бор. Сув торф билан ифлослангани боис ёруғлик нури сув остига ўтмайди. Шунинг учун ҳам сув остини суратга олишнинг иложи йўқ. Кўл суви совуқ. Кўлдаги афсонавий махлуқ кўплаб зоолог, геолог, океаншунос, физик, ботаник олимларни фотоаппарат, кино, видеокамералар билан жалб этиб келмоқда. Изланишлар бесамар кетмаган, Тахминларга расмлар чек кўйгандек бўлди. У кўлда номаълум ҳайвон борлигини кўрсатди, фақат бу тасвирларда жисмнинг хира шарпасини илғаш мумкин. Маълумот ҳали-ҳануз олимларни тадқиқотга, қизиқувчиларни эса саёҳатга чорламоқда.

АҚШнинг айрим денгиз соҳилларидаги курортларда махсус ўргатилган дельфинлар қоровуллик қиладилар. Улар соҳил бўйлаб юриб, акулаларни пляжга ўтишга йўл кўймайдилар. Баъзи дельфинлар акулаларни чақғитиб, тузоққа тушириб берадилар.




☺ ☺ ☺

Таиланд ва Малайзияда ўн минглаб макака маймунлари норжил ёнғоқларини териб берадилар. Улар кунга бир тоннагача ёнғоқ тарадилар. Маймунлар силлиқ дарахтга осонгина чиқиб, 25 метр баландликдаги меваларни кўл-оёқлари билан узиб оладилар.



☺ ☺ ☺

Қадимги Румода олис масофаларга хат ташиш учун



☺ ☺ ☺

БИЗ ЗАМИН ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ

Қадим-қадимдан ҳайвонлар инсонлар билан муносабатда бўлади. Уларга хизмат қилиб келади: от ва эшак юк ташишди, ит уйни кўриқлайди, овға чиқади, мушук сичқоннинг соғини беради, асалари асал йиғибди...

Йиллар ўтган сайин ҳайвонларни инсон ҳаёти, турмуши марзига мушукан ўрни кенгайиб бормоқда.

қалдирғочлардан фойдаланилган. Қалдирғочлар каптарларга нисбатан анча тез учадилар.

☺ ☺ ☺

Венгриянинг Дорог шаҳридаги дори-дармон тайёрлаш фабрикасида иккита тўтиқуш сақлаш учун ўрин берилган. Тўтиқушлар энг захарли модда - синил кислотаси ишлаб чиқариладиган цехда хизмат қила бошлаганлар. Ҳаво захарлангудек бўлса, улар безовталаниб, дарҳол тегишли одамларни бу гапдан воқиф қилишади.



☺ ☺ ☺

Нидерландияда эса помидор экилган жўяклар орасига кўёнлар кўйиб юборилган. Қизиғи шундаки, кўёнлар


бегона ўтларни битта кўймай еганлару, помидорларга мулақо зарар етказмаганлар. Чамаси, помидор ўсимлиги ва меваси кўёнлар "кўнглига ўтиришмаган бўлса керак". Шу-шу Европадаги энг йирик иссиқхоналардан бирига 75 та шалпангкулоқ доимий ишга жойлашган.



☺ ☺ ☺

Буюк Британия шаҳарларининг бирида виски сақланадиган омборхона ҳовлисида ўнлаб фозлар айланиб юради. Фозларнинг вази фаси - бочкалардаги спиртни кўриқлашдир. Бегона одам ҳовлида пайдо бўлди дегунча, улар шовқин кўтарадилар. Бу ҳолни сиз газетхонлар ҳам кузатган бўлсангиз керак. Фоз-

лардан фойдаланиш қулай, чунки улар ҳам қоровуллик қилади, ҳам тухум текин, бунинг устига ойлик ҳам олишмайди.



☺ ☺ ☺

Швециянинг Евла шаҳридаги савдо залларидан бирида икки метрлик бугма илон соқчилик қилади. Савдодан тушган пулларни тунда ўғрилар икки марта ўғирлаб кетгандан кейин зал эгаси бу илонни ҳайвонот боғидан ижарага олиб келган. Бугма илон кундузи сандиқда ухлаб, тунда зални кўриқлайди.



☺ ☺ ☺

40 кишини қор остидан олиб чиқиб, 41 кишини қидираётганда ўзи фожиали ҳалок бўлган Барри лақабли итга Парижда ҳайкал кўйилган.



Қулоғимга лағмон османг



ДУМИ... 10 МЕТРЛИ ХҲРОЗ

Япониянинг Катё деб номланган кичкинагина қишлоғи хўрозлари ўзининг бебаҳо думи билан фахрланиб доим кеккайиб юришади. Бизни оламжаҳон кўриб кўйсин дегандек саҳармардон кўноққа чиқиб олиб қичқирашади.

Намунча мақтанчоқ бўлмаса улар, дейсизми? Ким билади дейсиз. Балки дунёдаги бошқа хўрозларнинг думи Катёда яшовчи оч-сафсар патли бу хўрозларникидек 10 метргача ўсадиган бўлганида, оламни кеча-кундуз "ку-ку-кувлар" босиб кетармиди.

ОЛОВ БИЛАН ЎЙНАШГАНЛАР

Одам гавжум жойларда - бозор-ўчаларда карнай-ноғора товуши келиб қолади. Ўртақаш атрофдагиларни қошига чорлайди. Бола-бақраю, катта кичик дор келди, дор келди дея ўша томонга ошиқади. Кейин бу ёғига фаройиб томошалар бошланади. Илон ўйнатиш дейсизми, дорда юриш, ўйин кўрсатиш, чиннига ётиш, чўғда юриш... Бу ўйинлар, айнан чўғ устида юриш нафақат шарқда, балки Болгариянинг тоғли қишлоқларида ҳам бор экан. Фотиҳа олиб, чўғда юрган кишига бизда тасаннолар айтиб, эъозлаб, атаган эҳсонларини беришади. Кўз ўнгимизда мард, жасур қаҳрамон пайдо бўлади.

Ўша Болгариянинг Странжа тоғ тизмалари орасидаги қишлоқда кўрсатиладиган ҳаяжонли томошани -

афсунгарлик анъанаси деб қабул қилишар экан. Чўғ устида юриш у ерда ҳар йили 3 июнда Константин ва Елена айёми муносабати билан ўтказилар экан. Унда катта ёшли бир неча афсунгар аёллар бир кун аввал кечкурунроқ черковга ибодат учун кириб кетишар экан.


Эрталаб мусиқа садолари остида одамлар томоша учун йиғилган майдонга йўл олиб, маҳоратларини намойиш этишаркан. Маросимдан кейин чўғ устида рақс тушган аёлларни хурматлаб эъозлашар экан.

Бу одат тарихи мозийга бориб тақалар экан. Кўҳна Италияда маъбуд Апполонга бағишланган маросимларда қурбонликдан сўнг ҳамма чўғ устида юриб ўтаркан.




**ШУНАҚАСИ
 ҲАМ БЎЛАДИ!**

Москванинг "Интерфакс" фирмаси ҳали ўқишни билмайдиган болакайларга ажойиб совага тайёрлади. Бу — овозли китоблардир. Китобдаги сатрларга бармоқ теккизилса бас, ҳеч кимнинг кўмагисиз эртагу, ҳикояларни эшитиш мумкин.




Малайзиянинг пойтахтида 88 қаватли осмонўпар бино қад ростлади. Бу бино дунёда энг баландлиги билан рекорд ўрнатди. Ҳатто Нью-Йоркдаги барқут булутлар кучоғида яшашга муяссар бўлганлар ҳам бу бинога қарашдан олдин дўппиларини ушламоқдалар.



Уругвай ва Бразилия ўзаро урушаётган кунларнинг бирида уругвайликларнинг кемаларида асосий қуроллари - тўпдан ўт очишда фойдаланадиган аслаҳа тугаб қолибди. Нима қилишини билмай боши қотган адмирал, тўптарларга аслаҳа филофларини тўп оғзига қўйиб отиб юбораверишни буюрибди. Шошиб қолган ва бу "янги қурол"ни биринчи марта кўраётган бразилияликлар "балодан ҳазар" деб, "иссиғида" жуфтакни ростлаган экан.



**АМЕРИКА УНИВЕРСИТЕТЛАРИГА
 ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?**



Америка университетларига ўқишга киришдан олдин у ердаги таълим тизими хусусида бир-икки маълумотга эга бўлсангиз, зиён қилмайсиз. Аввало, айтиб ўтиш керак, Америка олий ўқув юртларида ўқиш пуллик. Бир йилда 10 минг АҚШ долларидан 30 минг долларгача ҳақ тўланиши шарт.

Америка олий ўқув юртларининг учта ўзига хос хусусияти бор. Биринчиси - ўта мустақиллик. Қўшма Штатларда ҳатто университет ва коллежларни назорат қилувчи умумий вазирлик ҳам йўқ. Бундан ташқари, асосий масалаларни-ўқув дастурлари тузиш, қабул шартларини белгилаш кабиларни ўқув юртларининг ўзи ҳал қилади.

Иккинчидан, АҚШдаги барча олий ўқув юртлари мавқе ва обрў жиҳатидан бир-биридан қолишмайди. Бизда, масалан, ўқиш учун асосан марказдаги ўқув юртларига интилишади.

Учинчидан, обрўли университетлардан ташқари, обрўли мутахассисликлар ҳам мавжуд. Бизнес, ҳуқуқ ва тиббиёт шулар жумласига киради. Мутахассислик қанча обрўли бўлса, молиявий ёрдамга ишонч ҳам шунча кам бўлади.

АҚШ университетларида Европадагидан фарқли ўлароқ кириш конкурси асосан энг катта университетлардагина мавжуд. Бундай уни-

верситетлар сони еттита. Бу ерда пулнинг ўзигина ҳамма нарсани ҳал қилмайди. Яна яхшигина илмми ҳам бўлиш керак.

Америка олий ўқув юртлари катталиги жиҳатидан ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. У ерда шундай университетлар борки, майдони ва талабалар сони жиҳатидан бутун бир шаҳарга тенг келади. Нью-Йорк штати университети ана шундайлардан ҳисобланиб, ҳатто Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган. Унинг 64 та "талабалар шаҳарчаси" бутун штат бўйича сочиб юборилган. Талабалар сони эса 400000 дан ошиқ. Мазкур университет маҳобати олдида Анкоридждаги коллеж жажжидеккина туюлади. Унда бор-йўғи 700 нафаргина талаба ўқийди.

Катта университетларнинг ҳам, кичик университетларнинг ҳам ўзига хос фазилатлари бор. Маҳобатли олий ўқув юртларининг моддий базаси бақувват, донгдор профессорлар сабоқ беришади. Бироқ, уларда асосий эътибор илмий тадқиқотларга қаратилади.

Коллежларда талабалар билан индивидуал ишлаш асосий ўрин тутади. Бундай олиб қараганда иккала тамойил ҳам муҳимдир. Кўриниб турибдики, ҳар иккала олий ўқув юртида ҳам қабул қилиш талаблари қаттиқ.

Бундан ташқари Америка университетларининг жуғрофий жойлашувини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Маълумки, АҚШнинг жануби ва жанубий ғарбида яшаш анча арзон. Бинобарин, бу ердаги ўқув юртларининг нархлари ҳам қиммат эмас. Йирик шаҳарлар ва Янги Англияда эса яшаш анча қийин кечади. Бу нарса ушбу ҳудудларда жойлашган университетларга ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Дарвоқе, биз юқорида айтиб ўтган энг йирик еттита университет ҳам ўша минтақаларда жойлашган.

Энди асосий нарса - Америка университетларига кириш имтиҳонлари тўғрисида.

Айтмоқчи, булар биз ўрганиб қолган имтиҳонлардан кескин фарқ қилади. Уларни имтиҳон деб ҳам бўлмайди.

АҚШ университетларида мустақил ташкилотлар томонидан тузилган тестлар асосида ёзма имтиҳонлар бўлиб ўтади.


Ана шундай "андоза"даги тестлар барча олий ўқув юртлари учун баробар ҳисобланади. Тестларни муваффақиятли топшириб, кейин хоҳлаган олий ўқув юртига киришингиз мумкин. Тест натижалари кўрсатилган қоғозингизни бир йўла бир нечта университетга жўнатишингиз мумкин. Бу сон чекланмаган. Бунинг устига тест натижалари беш йилгача ўз кучини йўқотмайди (хорижликлар учун инглиз тили бўйича махсус тестларники эса икки йил). Биздаги имтиҳонларда асосан абитуриентнинг фанни қандай ўзлаштирганлиги текширилади. Америка тестларида эса асосий ургу абитуриентнинг тафаккури, мантиқий фикрлай олишга қаратилади.

SAT дастури бўйича ўтказилган тестда 1600 балл аъло кўрсаткич ҳисобланади. TOEFL бўйича 600 балл билан яхшилар қаторидан ўрин олиш мумкин.

500-550 балл билан энг обрўли университет ёки коллежга бемалол кира олишингиз мумкин.

Америкада талабаларнинг икки хусусиятига катта эътибор қаратилади: илмлилик ва жисмоний иқтидорга эга бўлиш. Стипендиялар шуларга (яна муҳтожларга ҳам албатта) берилади.

САРОБ



Саёҳатга чиққан кишиларнинг фикрлари ўзгача, мўъжизаю, сирли ҳодисаларга бой ҳикоялари ҳам таъсирли бўлади. Айниқса, чўлда юрган одамнинг кўзига турли нарсалар кўриниши бир қарашдан кишини сескантиради. Табиат синоатию, жумбоғлари олдида ҳайратланмай илож йўқ. Худди шундай сирли ҳодисанинг Қорақум чўлида кўрган киши ҳикоя қилишича, чўлда жазирама иссиқда кўзи фақат кўллар кўринаверган. Кўзга кўринадию, етиб бўлмайди. Ажаб. Чўлда шунча кўл?! Унда нега чўл?!

Табиатда бўладиган бу ҳодиса сароб деб аталади. У чўлда сайёҳларни доғда қолдирадиган, ҳафсаласини пир қилиб, умидсизликка туширадиган, йўлдан адаштирадиган ҳодиса. Жазирама иссиқ ва чанқоқликдан тинкаси қуриган йўловчилар кўзига 2-3 км нарида баъзан суви офтобда ярқираб турган катта кўл кўринади. Унга интилган сари, афсуски кўл орқага чекинади. Масофа эса қисқармайди ва бир лаҳзада кўл кўздан ғойиб бўлади. Са-

роб қўйидагича вужудга келади. Қуёш ер юзини қаттиқ қиздирганида, ҳавонинг паст қатлами қизийди. Ёруғлик нурларининг ҳаммага иссиқ ҳаво қатламларидан совуқ ҳаво қатламларига қийшайиш қондаси бизга физикадан маълум. Демак, осмоннинг уфққа яқин қисмидан пастга йўналган қуёш нури қия тушади. Нурларнинг юқори кўтарилиувчи ҳаво оқимлари таъсирида титраши сув сатҳининг жимирлашидек кўринади.

Бу "кўлли сароб" ёки "пастки сароб" дейилади. Яна "юқориги сароб" ҳам бор.

"Пастки (кўлли) сароб"да пастда иссиқ ва сийрак ҳаво, унинг тепасида нисбатан салқин ва зич ҳаво қатлами вужудга келган бўлса, "юқори сароб"да, аксинча, пастда нисбатан салқин ва зич ҳаво вужудга келади.


Нарсалар кузатувчининг кўзига анча баландда кўринади. Кузатувчига кўринаётган нарса уфққа қанча яқин бўлса, ёруғлик нурларининг синиши шунчалик катта бўлади.





“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА ТАКЛИФ ВА МУЛОХАЗАЛАРИНГИЗНИ
ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони,
2-уй, 402-хона (Музаффар Пирматов).

Мўлоқот учун телефон:
(371) 139-49-32, 139-16-19. Факс: (371) 139-48-23.




Лабиринтдан ўтишга
ёрдам беринг.



Эътибор билан
қаранг:
қалпоқлар кимники,
костюмлар кимники



Суратлардаги 5 та фарқни топинг.



Расмда нечта шарча чизилган?

Ўзбекнинг боласи қалбан шоирдир

ШЕЪРИЯТ ОСМОНИ БАЛАНДИДИР ЖУДА...

Сеҳргар она табиатнинг кучоғи-даги ҳар бир тирик жонда ҳаёт яшайди. Энг кичик зарранинг талпинишидан то улкан мавжудотлар интилишигача биз англаган ва англаб етмаган гўзаллик ҳукмрон, сеҳр ҳукмрон.

Инсон дунёга келар экан, мана шу сеҳр, гўзалликдан баҳра олиб яшайди. Баъзи инсонларда гўзалликка бўлган ташналик уларнинг қўлига қалам тутқазади. Айниқса, ўсмир ёшидаги йигит-қизларни ўзига тинимсиз жалб қилади

Бизнинг редакциямизга ҳам турли вилоят мактабларидан ҳар куни мактублар келади. Бу хатларнинг аксариятида шеъриятга ошно дилларнинг изҳорини ўқиймиз.

Уларни ўқиб хурсанд бўламиз, юрагимиз гуркираб кетади.

Дунёни гўзаллик ва эзгулик қутқаради, деймиз. Ахир шеърият ҳам гўзаллик, эзгуликнинг сарчашмаси эмасми? Шундай экан, биз умидли келажакка боқиб хурсанд бўлмоққа минг қарра ҳақлимиз.

Бизга ўз шеърий машқларини жўнатаётган ўғил-қизларнинг барисидан шоир ёки шоира чиқади деб айтолмаймиз, албатта. Аммо шеърга талпинишнинг ўзи яхшилик йўлини танламақдир...

Шеърлар ичидан яхши мисралар топганимизда дилимизга нур югуради.

Мени ташлаб кетманг
баҳорлар,
Юрагимдан оққан
анҳорлар.
Бир зум тўхтанг оппоқ
сахарлар,
Мени тинглаб дил
топиларми?-

Устоз ижоди

ВАТАН-САЖДАГОҲИМ МЕНИНГ

Кўкда юлдуз - моҳим менинг,
Тоғларда нигоҳим менинг,
Боғлар - сайргоҳим менинг,
Орзулар - ҳамроҳим менинг,
Ватан-саждагоҳим менинг.

Ватаним - ҳур Ўзбекистон,
Яшил дала боғу бўстон,
Бошим узра тиниқ осмон,
Менга кулиб боқар жаҳон,
Ота-онам - шоҳим менинг,
Ватан-саждагоҳим менинг.

Ўйинқароқ, шўх боламан,
Қайгулари йўқ боламан,
Дўстлари ҳам чўх боламан,
Олов бола, чўғ боламан,
Ота-онам - шоҳим менинг,
Ватан-саждагоҳим менинг,

Бувамнинг суянч тоғиман,
Бувимнинг кўз қарогиман,
Хонадоннинг чарогиман,
Аразиман- ардоғиман,
Ота-онам - шоҳим менинг,
Ватан - саждагоҳим менинг.

Бугун юртга чечак бўлгум,
Эртан элга керак бўлгум,
Ожизларга тиргак бўлгум,
Сарҳадларда сергак бўлгум,
Ота-онам-шоҳим менинг,
Ватан-саждагоҳим менинг.

Мирза ҚАЙНАРОВ
Сирдарё вилояти,
Ш. Рашидов тумани
Халқ таълими бўлими.

деб ёзади навоийлик Дилфуза Табошарова. Дилфузанинг шеърларидаги тиниқ ҳиссиёт, мовий ҳайрат унинг қаламига умид уйғотади. Шунингдек фикрдувонлик Нилуфар Ҳайитованинг "Рўмол" номли ҳазил шеърини ўқиганимиз захоти унинг самимийлигини ҳис қиламиз. Жиззахлик тенгдошингиз Фарида Қўчқорова ўзининг содда, ихчам, болажон шеърлари билан юракка яқинлашяпти. Унинг онасига бағишлаб ёзган шеърда шундай мисралар бор:

Саҳарлар туриб,
Тинмай ҳеч қачон.
Болам ейди деб,
Ёнар ширмой нон.

Биз Фариданинг шеърларидаги рост ва айнан манзараларни кўриб тургандек бўламиз. Фарида худди шундай йўлда, болажон руҳда кўпроқ шеър ёзаверса, навбатдаги сонларнинг бирида унинг турли шеърларини эълон қиламиз.

Бухоролик Ойгул Шарипованинг машқларида дурустгина ўхшатишларни учратамиз. "Орзу мисоли олов, қалбдан ҳеч сўнмас", дейди у болаларча соддалик ва ростлик билан.

Редакциямизга келатган шеърий машқларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам ижобий фикр билдириб бўлмайди.

Шеърият осмони жуда ҳам баланд. Бир сакраган билан унга етиб бўлмайди. Бу осмонга етишнинг заҳматлари, бедор тунлари-ю, машаққатлари бор. Шунинг учун бизга ўз шеърингизни юбораётганингизда, аввал устозларингизга кўрсатиб, устида ишлаб кейин юборинг. Қолаверса, бир кунда 2-3та шеър ёзиб, шу куннинг ўзидаёқ бизга шоша-пиша юборишингиз шеъриятга бўлган ҳурматсизликдир. Шеър ёзишни ўйинга айланторманг. Қачон юрагингиз тўлиб, нимадир демоқчи бўлаётганини сезсангиз қоғозга туширинг. Кўп ёзинг, шеърингиз 50та 60та бўлгач, кейин редакцияларга юборинг.

"Мен яхши шоира бўлмоқчиман" - дейди андижонлик Маъмурахон Кичикова. Жуда ҳам гўзал орзу. Бу синглимизга ҳам кўпроқ ўқиб, изланишни, ҳар бир воқеадан ранг топишни сўрардик. Фикрдувонлик Дилбар Шамсиддинова, каттақўрғонлик Феруза, Ирода Муҳиддиноваларга ҳам шеър устида қайта-қайта ишлашни маслаҳат берардик.

Аслида шеър ёзишни ҳеч ким ҳеч кимга ўргата олмайди. Бу шундай бир туйғуки, у инсон юрагига қайсидир бир кун ўзи кириб келади.

Шеър пала-партишликни, тўғри келган сўзни ёзаверишни, шунингдек ялқовликни ёқтирмайди. Аввалом бор сеҳргар табиатга яқинлашиш инсонлар юрагини тушуниш ва ўша туйғулардан нур излаш одамни камолга етказади. Хоҳ шеъриятда бўлсин, хоҳ насрда бўлсин яхши нарсга ёзишга йўл очиб беради.

Қашқадарёлик Шоҳида Орипова, Зилола Эгамбердиева, Шоҳида Тошпўлатова, Гулнора Валиева, Нилуфар Ҳакимованинг машқларидаги гўр мисралар хали ҳаётни чуқур тушунмасликдан далолат бериб турибди. Уларга ҳам авваломбор яхши ўқишни, юракни чуқур уқишни маслаҳат берардик.

Фарғоналик Севарахон Умарова ўзининг машқида:

Баҳор келиши билан,
Қувонади дарахтлар.

Кўсаклари очилиб,
Оппоқ гулга бурканар, —
дейди.

Юқорида таъкидлаганимиздек воқеа-ҳодисаларни яхши кузатмаслик оқибатида дарахт куртагини кўсак деб аташ ёки соддароқ қилиб тушунтирсак хом-хатала машқларни шеър деб газеталарга юбориш ҳоллари кўп учрамоқда. Фарғоналик синглимиз Фароғат Бўриеванинг машқлари ҳақида ҳам шу фикрни билдириш мумкин.

Шеърият улкан бир денгиз. Хали унинг тубида биз билмаган қанчадан-қанча дурлар, жавохирлар бор. Балки уларни сизлар топарсиз. Бунинг учун эса ўша муқаддас денгизга осмон қадар кўтарилиб тушмоқ лозимдир.

Сурхондарёлик Умида Қиличева, бухоролик Марғуба Усмоноваларнинг шоша-пиша ёзган мактубларини ўқиб, шеърият майдони югуриш майдончаси эмас дегимиз келади.

Бу табарруқ майдонга шошқалоқлик билан кириш гуноҳдир.

Навоий вилояти, Қизилтепа туманидан бизга ўзининг "Ватан" номли шеърини жўнатган синглимиз Гулноз Ҳусенованинг «Ватан-бу тиригимда номус, ўлганимда шаъм», деган мисрасидан таъсирландим. Шеър яхлитлигича ишланиши керак. Гулноз ҳаракат қилса яхши шеърлар ёзиши мумкин.

Бухоролик яна бир синглимиз Турсуноя Ҳасанова "Мактабни соғиниш" номли шеърда:

Партадош дугонам, қани
сен ўзинг,
Нечун кўринмайсан эй
гўзал сирдош.
Қайларга қадалган ул қаро
кўзинг,
Дийдорга зор этма, бўлма
бағри тош,
дея ёниб ёзади.

Ростини айтсам, бу мисраларни ўқиётиб, ўқувчилик йилларим кўз олдимда қад кўтарди. Юқорида кечаётган туйғуларни қоғозга солиш ҳамиша ўқувчи юрагини топиб олади.

Негадир ўғил болалар бизга жуда кам ёзишади.

Фикрдувонлик Азизжон Орипов ва Жиззахлик Жасурбек Қаюмовларнинг машқлари анча дуруст.

Азизжон «Меҳмон» деган шеърини шундай бошлайди:



Меҳмон келди уйимга,
Ёрдамлашдим ойимга...

Шеър ниҳоятда силлиқ, равон давом этади. Тузилиши яхши бўлгани билан янги бир гап, ҳеч бўлмаса янги бир ўхшатишсиз шеър қуруқ баённинг ўзидир.

Жиззахлик тенгдошингиз Жасурбекнинг шеърларида ҳавойилик, баландпарвозлик анча кучли:

Хаёлимни чулғар аланга,
Не учун сўз битмайин
сенга.
Сен халқларнинг ўзга
фахрисан
Сабабки, сен-Ўзбек
халқисан

Азизжон ва Жасурбеклар юракнинг тубида ётган ҳисларни, муҳаббатларини шеъриятга бағишласалар балки яхши бўлар.

Нима бўлганда ҳам шеър ёзиш гўзалдир. Аслида ўзбекнинг ҳар бир ўғил-қизи қалбан шоирдир. Зеро улар яхшилик, эзгулик Ватаннинг жигарбандларидир. Бугун биз шеърга интилган ҳар бир юракни бу ёруғ туйғу билан қутлаймиз. Уларга шеъриятнинг заҳматли йўлига киришлари учун буюк муҳаббат ва бардош тилаймиз.



Донишмандлардан бири: Менинг машхурлигимга сабаб халқимни севишимда, олоҳ берган талантни самарали меҳнат билан топшишмадир деган экан. Сухбатдошингиз сизларга яхши таниш булган «Шум бола» образида танилган Ҳамза театрининг истеъодли актёрларидан бири Абдурайим Абдувахобовдир.

— **Болалигингизда «Шум бола»га ўхшаган бўлганмисиз?**

— Асло, шумлик менинг болалигимда из қолдирмаган. Аксинча, табиатдан оғир вазмин, фикр-мулоҳазали булган эканман. Ҳеч кимга зарари тегмаган, ёшлиқдан даққи емаган бола эдим.

— **Сиз «Шум бола» билан машхур бўлдингиз? Бу кинога қандай кириб қолгансиз?**

— Мактабда уша пайтда 3-синф ўқучиси эдим. У пайтларда шу соҳага қизиқишим туфайли булса керак, шаҳардаги А. Навис номли драма тугарагига урғоғим билан қатнардик. Бир куни тугарақда «Тонг юлдузи» («Ленин учқуни»)да босилиб чиққан эълонни ўқиб берилди. «Шум бола» фильми

учун танлов эълон қилинган экан. Режиссеримиз Дамир ака Салимов бошчилигида шу танловга қатнашдик. Биринчи куни танловдан яхши натижага эга бўлдим шекилли, иккинчи куни ҳам келишимизни сўрашди. Учинчи куни рол берилди. Менга ҳайбат аъзолари Омон ролини таклиф қилиб синодан утганим билан қутлашди. Урғоғимга ҳам бу ролни бериб, синаб қурилганда Омон

урик тера бошладим. Челақ яримлаб қолганида, мен турган шох оғирликни кутара олмади шекилли, қарсилаб синиб, олдин мен, кейин челақ бирин-кетин ерга гурсиллаб йиқилганман. Шунинг учун болаларга маслаҳатим, урик терганда фақат қуш нарвонда теринглрар. Урик дарахти жудаям мурт булар экан.

— **Ҳозирги болалар табиатидаги нима яхши-ю, нима ёмон?**

мон деган дард билан яшамаса, бундай инсонлар қуриган гиеҳга ухшайди. Армон ҳар кимда ҳар хил булади. Менинг бирдан-бир армоним ота меҳрига туймаганим. 4 ёшлигимда дадам оламдан утган эканлар. Доимо оиймга: «Онаси, шу ўғлинг артист булади» деб айтар эканлар. Отанинг пок нияти йуддош бўлдим, ҳар қалай айтганларидек, артист бўлдим. Ҳозирги кунда менинг ижод маҳ-

Санъат

нингиз учун, сизни ярим йилга газетамизга бепул обуна қиламиз.

Сизнинг ҳам болаларга аталган топшимоқларингиз борми? Айтиб кўяй, бизни болалар сиздан ҳам шумроқ «ундан кейинчи» деб топган жавобининг совғасини сўрашад.

Айтинчи, топқир болаларимизга қандай совғангиз бор?

— Совғам сир. Сирни йил сунгида айтаман.

Болажонларга устозимиз, илк бор Соиб Хужасев қайси кинофильмда рол уйнаганлар? деб савол бераман.

— Актёрликка ишқи баланд болаларимизга уғитларингиз?

— Мен аввало, актёрликни худо берган талант деб биланман. Талант юрак амри билан юзага чиқади. Баъзилар боламини шоғирдликка олинг, деб илтмос қилсалар мен бунга унча қушилмайман. Ахир қандай қилиб болада қобилият булмаса, унга устозлик қилиш мукин? Насиҳатим шуки, қобилият ва талант бор жойда истеъдод бор. Яна билмадим.

Сухбатдош Маъмура МАДРАҲИМОВА.

ЯНА «ШУМ БОЛА» БЎЛГИМ КЕЛАДИ

роли унга, сунгра «Шумбола»даги Қоратой менга берилди. Шухрат Аббосов суратга олган ушбу кинофильм мени шунчалик машхур қилади деб ўйламагандим.

— **Болалигингизда хотирдан учмайдиган воқеалардан сўзлаб беринг.**

— Ҳовлимиздаги богда катта урик бор эди. Шу уриклар гарқ пишган кунларнинг бирида урик териш учун челақ олиб урикка чиқдим. Энг баланд, мевалари куп шохига утириб олиб

— Ҳозирги болаларда фикрлаш қобилияти кучли. Болаларимиз жуда ҳам ақлли. 6—7 ёш болаларда сиз-у биз кутмайдиган мустақил фикрлар, ажойиб дунёқарашлар борлиги мени қувонтиради. Ёқмайдигани баъзи болаларни катталарча гапириши, катта одамлардек фикрлашлари ҳечам ёқмайди. Бола болалигича беғубор бўлишини истардим.

Ҳаётда инсон орзулар, қувончлар, шунинг билан бирга ар-

сулларимни қуролмаганлари менга катта армон.

— **Келинг, бир болаликка қайтайликда, сизни устма-уст саволларим билан яна чарчатмай болалик топшимоқларидан берсам:**

а) Қора мушук қачон уйга осонгина кира олади?

— Уйда ҳеч ким йуқ булса...

б) Сизга тегишли ярим нарса бор, лекин сиз деярли бу сўзни ишлатмайсиз? Аммо бошқалар ҳар куни ишлатади.

— «Шум бола» булса керак.

— **Топшимоқ жавобини топга-**



СЕШАНБА 2 июнь

Ўз.ТВ — 1

- 10.30. Абитуриентлар, сизлар учун. Она тили.
- 11.00. Инглиз тили.
- 11.30. Абитуриентлар, сизлар учун. Математика.
- 12.05. «Олам ва одам».
- 12.25. Ранглар жилоси.
- 14.10. «Бола дунёни тебратар».
- 18.10. «Ҳа-ҳа-ҳа!» Ҳазил, ҳажвия, ҳангома. Болалар учун ажойиб ҳазил қувноқ ҳажвия, қизикarli ҳангомаларни эшитиб томоша қиласиз. Курсатув муаллифи Тулан Кузибоев.
- 18.35. «Биламиз-у, аммо...!»
- 18.50. «Қалдирғочлар учиб келади».
- 19.55. «Миср муъжизалари».
- 20.10. «Оқшом эртақлари».

Ўз.ТВ — 2

- 18.15. «Ёрилтош» мульттуплам».
- 18.35. Ёввойи ҳайвонот олами.
- 19.10. «Онагинам».
- 21.05. «Сахрои Кабир сири» телесериал.

Ўз.ТВ — 4

- 18.50. «Мульттомоша».
- 19.05. «Сен ҳақингда ва сен учун».

ЧОРШАНБА, 3 июнь

Ўз.ТВ — 1

- 9.10. «Уч қирол жанги». Телевизион бадийий фильм.
- 10.30. Абитуриентлар, сизлар учун. «Биология».
- 11.00. «Маърифат маскани».
- 11.20. Ўзбектелефильм намоийш этади «Фасли ёз».
- 11.30. «Акс садо».
- 12.05. «Чемпион билан учрашув».
- 13.30. «Зумраша» ҳажвий киножурнал.
- 18.10. «Умид учқунлари» тележурнал.
- 19.55. «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
- 20.10. «Оқшом эртақлари».

Ўз.ТВ — 2

- 18.15. «Ёрилтош» мульттуплам.

20.00. «Билиб қуйган яхши».

Ўз.ТВ — 3

- 16.45. Болалар учун «Эртақнамо чоршанба» кинокурсатув.
- 20.40. Бахтли болалик. Телекурсатув.
- Ўз.ТВ — 4
- 18.50. «Мульттомоша».

ПАЙШАНБА, 4 июнь

Ўз.ТВ — 1

- 9.10. «Уч қирол жанги» телесериал.
- 10.30. Абитуриентлар, сизлар учун. «Адабиёт».
- 11.00. «Янги алифбони урганамиз».
- 11.30. Абитуриентлар, сизлар учун. «Физика».
- 12.05. «Сарғайган саҳифалар» адабий курсатув.
- 12.25. «Ажойиб гилам» мультфильм.
- 12.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
- 18.10. Болалар учун «Кунги роқча».
- 20.10. «Оқшом эртақлари».
- Ўз.ТВ — 1
- 18.15. «Жажжи давра». Болалар учун концерт.
- 18.30. «Икки минг йилдан сунг» телесериал.
- 18.45. «Катта танаффус» телеуйин.
- 20.05. «Табобат оламида».
- Ўз.ТВ — 4
- 18.50. «Мульттомоша».
- 19.05. «Сухбатдош».
- 19.25. «Еттидан—етмишгача».

ЖУМА, 5 июнь

Ўз.ТВ — 1

- 9.10. «Қирол жанги» телесериал.
- 10.30. Абитуриентлар сизлар учун. Кимё.
- 11.00. Немис тили.
- 11.30. Камолот.
- 11.50. «Қора қуён» мультфильм.
- 12.35. Кундузги сеанс «Ҳаворанг атиргул» бадийий фильм.
- 18.10. «Хикматнома».
- 20.10. «Оқшом эртақлари».
- Ўз.ТВ — 2
- 18.15. «Бор экан-да, йуқ экан».
- Ўз.ТВ — 3
- 17.00. Болалар учун «Бинафша».
- Ўз.ТВ — 4
- 18.50. «Мульттомоша».

ШАНБА, 6 июнь

Ўз.ТВ — 1

- 9.10. «Болалар учун «Яшил чирок» телемусобақа.
- Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилояти ёш йул назоратчилари йул ҳаракати

қоидалари буйича беллашади-лар.

- 9.50. «Шохруҳ» клуби.
- 10.10. «Сиз ва биз».
- «Мен билган — билмаган дунё»
- «Шу Ватанга бордир менинг керагим»
- «Очиқ дарс».
- 13.15. «Катта танаффус» телеуйин.
- 18.00. «Фламинго» телекурсатув.
- 19.50. «Оқшом эртақлари».
- Ўз.ТВ — 2
- 8.00. «Боланинг тили».
- 8.15. Ўзбектелефильм намоийш этади «Яна уша Насриддин» 1-қисм.
- 11.55. Болалар экрани.
- 17.45. «Ёрилтош» мульттуплам.
- 18.15. «У ким? Бу нима?»
- Ўз.ТВ — 4
- 10.30. «Шанба эртаги».
- 18.50. «Мульттомоша».
- 21.10. «Бу ажиб дунё».

ЯҚШАНБА, 7 июнь

Ўз.ТВ — 1

- 8.25. «Камалак». Болалар учун кинодастур.
- 10.00. «Ватанимга хизмат қиламан».
- 12.20. «Санъат олами».
- 12.40. «Қувноқ стартлар».
- 13.20. «Мунаввар даргоҳ».
- 15.20. Усмирлар учун «Нурли келажак».
- 18.00. Болалар учун «Санъат

ғунчалари».

Ўз.ТВ — 2

- 8.00. «Бор экан-да, йуқ экан».
- 8.20. Ўзбектелефильм намоийш этади «Яна уша Насриддин» 2-қисм.
- 9.25. «Нозик муъжиза».
- 9.35. Саргузаштфильмлар экрани.
- 11.50. Болалар экрани.
- 16.45. «Мульттипанорама».
- 18.15. «Бун утирма».
- Ўз.ТВ — 3
- 17.35. «Цирк, цирк, цирк».
- Ўз.ТВ — 4
- 9.00. «Хайрли тонг».
- 9.55. «Эртақларнинг сехрли олами».
- 14.30. «Жонли сайера».
- 15.00. «Кундузги сеанс».
- 16.50. «Сенинг вақтинг».
- 18.45. «Мульттомоша».
- 20.10. Хайрли оқшом!

ДУШАНБА, 8 июнь

Ўз.ТВ — 1

- 20.10. «Оқшом эртақлари».
- Ўз.ТВ — 2
- 18.15. «Ёрилтош» мульттуплам.
- Ўз.ТВ — 4
- 18.50. «Мульттомоша».

СЕШАНБА, 9 июнь

Ўз.ТВ — 1

- 20.10. «Оқшом эртақлари».
- Ўз.ТВ — 2
- 18.15. «Ёрилтош» мульттуплам.
- 18.35. «Ёввойи ҳайвонот олами».
- Ўз.ТВ — 4
- 18.50. «Мульттомоша».
- 19.05. «Сен ҳақингда ва сен учун».

Азиз ўқувчилар! Бу ҳафта сизлар учун тайёрланган курсатувларимиз ана шулардан иборат. Курсатувларимиз ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз!

Тоҳир МУЛЛАБОВЕВ,


Ўзбекистон

телевидениеси

«Болалар» Бош

муҳарририятининг гуруҳ

раҳбари.



Қутби НОСИР қизи, болалар ёзувчи-

си,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

«БОЛАЛАРГА ИШОНАМАН»



15

- Қутби она, авваллари "Ленин учқуни" газетаси, "Фунча", "Гулхан" журналларида шеърларингизни кўп ўқирдик, кейин ҳикоялар ёза бошладингиз. Ҳатто баъзи шеър, ҳикояларингиз бошланғич синф дарсликларига киритилган. Боғчаларда болалар боғча ҳақидаги шеърингизни қўшиқ қилиб айтишадди. Ҳатто радиода ҳам болалар учун ёзилган шеърларингиз қўшиқ қилиб айтилган. Нега ҳозир болаларга кам ёзясиз?

- Сингилжон, бутун ўй-хаёлим болаларда. Ахир уларни унутиб бўладими? Уйга кирсам, бир этак неваралар, кўчага чиқсам, бир кучоқ қўшни болалари "ойи, ойижон" деб сени ачомлаб турганда, уларни қандай қилсам хурсанд қиларкинман деб алағдаман. Ҳозирги болаларга хўрозқанд бериб ё ширин кулча улашиб кўнглини олиш қийин бўлганидек, "икки карра икки тўрт бўлди" қабилда шеър ёзиб маъқул қилолмайсан. Бунинг устига янги-янги истеъдодлар чиқиб, қойиллатиб шеър ёзиб болаларнинг ақлини шошириб турганда шунчаки шеър ёзгинг келмайди. Шу боис кичик-кичик ҳикоялар ёзишга ўтиб кетдим.

- Эсимда, 1993 йил "Гулхан" журналида "Куртаклар" қиссангизни қизиқиб ўқиган эдим. Шундан кейин жим бўлиб кетдингиз.

- Жуда жим бўлиб кетмагандирманов, сингилжон. Кўриб турибсиз, давр ўзгарди, шиддатли бир ўзгаришлар силсиласида яшамокдамиз. Ана шу даврга ҳамонахонг, балки ундан олдинроқ қадам ташлаш керак бўлади. Шу туфайли мен ўзимни публицистикага урдим. Публицистика - энг долзарб жанр. "Хонадон ҳаловати", "Шахс, миллат ва жамият", "Қадах кўтарган аёл", "Бир оила фожеаси", "Билимсизлик балоси", "Кайф тузоғи" каби катор мақолалар ёзилди. Болалар учун эса бир қисса бошладим. Қани энди бу қисса болаларни ўйлатадиган, фикрлатадиган, ўқимишли бир асар бўлиб чиқса. Шу орзуда ёниб яшаб юрибман.

- Қутби она, ҳозирги болалардаги қайси хислатлар сизга ёқади-ю, нималардан ранжийсиз?

- Техникага қизиққан, билим доираси кенг, илмга чанқок, ота-онасининг хунарига ёндошган, меҳнаткаш, тадбиркор болаларни ҳурмат қиламан. Биласизми, менга вақтини бекор ўтказиб юрган, мақсадсиз, келажagini ўйламайдиган, ҳар нарсага лоқайд қарайдиган ва яна худбин болалар ёқмайди. Кўп болалар ҳозир китоб ўқимайди. Шундан хафаман.

- Болаларнинг китоб ўқиши шартми?

- Албатта. Секинроқ айтасизми? Бола китоб ўқишнинг мазасига тушуниб етса, уни ҳеч қачон китобдан ажратол-

Сиз кутган учрашув

синф тўрт-беш китобни мутолаа қилар эдик. Ҳатто муҳокамага ҳам тушиб кетар эдик. Мен ҳозир болаларда ана шундай қизгин баҳсларни кўрмайман. Уларнинг кўпчилигида индамаслик, фикр-сизлик иллати бор. Бу нарса уларни худбинликка олиб келади. Худбиндан эса ҳеч қим баҳра олмайди. Китоб ўқиган одам бировдан баҳра олишни ҳам билади, бировга баҳра ҳам бера олади. Негаки, у фикрлайди, ўйлайди,

кага, илм-хунарга қизиқаётган болалар жуда кам. Уларнинг кўпчилиги пул, бозор деса кулоқлари динг бўлади. Майли, буларга ҳам қизиқсин. Лекин ана шу нарсаларга бутунлай ружу қўйиб, оғиб кетиб, илм олишни эсдан чиқаряптилар-да. Ҳаётда пул топиш осон, илмга эришиш қийин. Осонига қизиқиб кетиб қийинидан қочиш болани йўлдан адаштиради. Уни бошқа йўлларга етаклайди. Ўғрилиқ ва бошқа жиноят билан қўлга тушаётган болалар ана шу тоифа болалардир. Мен ҳамма болаларнинг савияси паст, билимсиз дейишдан йироқман. Санъ-

шавни-шавкати оламга таратувчи дунёвий олимлар чиқади. Бизнинг болалик давримизда ИБРАТ деган сўз кўп ишлатиларди. Аълочи, фаол бола ибрат йўли билан ўз ўртоғини ордидан эргаштириб кетар эди. Ҳозир шу нарса менинг назаримда сезилмаяпти. Намунали ўқувчини қоқоқларга бириктириб, унинг ёрдами туфайли энг ёмон ўқийдиган бола ҳам яхшилар қаторига ўтиб олар эди. Ҳозир мен болаларда бу одатларни кўрмайман. Маънавият асли эзгулик билан боғлиқ. Яхшидан от қолади, ёмондан дод деб бежиз айтилмайди. Эзгулик қилган, бировнинг ҳожатини чиқарган инсонда умуминсоний хислатлар ҳам мужассам бўлади.

- Қутби она, сир бўлмаса, оилавий ҳаётингиз ҳақида икки оғиз сўзлаб берсангиз?

- Менинг тўртта ўғлим бор. Шохруҳ Мирзо, Элнур Мирзо, Элдорбек, Жамшидбек. Шохруҳ Мирзодан икки қиз ва бир ўғил набираларим бор. Нодирахон, Маликахон, Шохжаҳон. Элнур Мирзодан Комилахон ва Амирхон исмли набираларим бор. Элдор ҳали талаба. Жамшидбек бу йили 11-синфни битиради. Фарзандларимнинг отаси таникли радиожурналист, халқаро шарҳловчи Маҳкам Рихсиев.

Яқинда Нодирахон 5 ёшга, Комилахон 2 ёшга тўлди. Уларга ёзган шеъримни сизларга тақдим этдим.

- Қутби она, сизга узоқ умр, сўхат-саломатлик тилайман. Сиздан янги асарлар тилаб қоламиз. Болалар учун аталган қиссангизни тезроқ тугаллаб беришингизни истаймиз.

Малика
АБДУЛЛАЕВА
сўхбатлашди.

Қутби НОСИРОВА



Қутби Носир қизи устоз ва ижодкор дўстлари даврасида.

майсиз. Китоб ўқиш роҳат эканини улар билмайди-да. Баъзи болаларга видео бўлса, ҳар хил кассета, рок-поп қўшиқлар, ур-сур, гурс-гурс кинолар бўлса. Эсиз вақт. Кинони бир кўрасан, ўтади-кетди. Китобнинг завқи эса узоқ давргача етади. Ҳатто қариганингда ҳам биринчи ўқиган китобингни завқи билан яшаш мумкин. Қани энди болалар буни тушунса! Ана шу ўқиган яхши асари унинг ҳаётини ижобий томонга катта мақсадларга йўналтириб юбориши мумкин. Менинг болаликдаги биринчи ўқиган китобим "Кунтуғмиш" дostonи бўлган. Парда Турсуннинг "Ўқитувчи" романи, Ойбекнинг "Кутлуг кон" романи, Борис Полевойнинг "Чин инсон ҳақида қисса" сини ўқиганимда тўртинчи синфда эдим. Ҳали шуларнинг завқи билан яшайман. Шундан сўнг кутубхонага аъзо бўлиб, чет эл адаблари асарларини ўқиб, бутунлай бошқа оламга кириб қолганман ўшанда. Ҳозирги болалар кутубхоналарга борадиларми? Бир-бирлари билан китоб ҳақида баҳшашадиларми? Биз болалик пайтимизда биримиз бу китобни ўқиб бўлгач, ўртоғимизга берардик. Ундан бошқа китобни сўраб олардик. Шу тариха бир ойда бутун

завкланади, кулади, ҳаттоки йиғлайди.

- Ҳозир маънавият ҳақида кўп гапиришяпти, болалар маънавияти ҳақида нима дея оласиз?

- Маънавият кенг тушунча. Уни бир-икки сўз билан ифодалаб бўлмайди. Маънавиятнинг асоси аввало тарбия, сўнг иймон-этикод ва илмдир. Ибн Сино айтганидек, "Тарбия она қорнидан бошланади", яъни сут билан қиради, пушт, насл-насабдан ўтади. Сут билан қирган жон билан чиқади, дейдилар-ку. Болага тарбия берилмайди, бола жисмоний-рухий, маънавий ва маърифий ўстириб борилади. Бунда оиладаги муҳит, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла, мактаб, устоз-муаллим муҳим роль ўйнайди. Тарбияли болада иймон-этикод бўлади. Иймон эътиқодли бола эса билимга интилади. Навоий бобомиз инсон умрини беш фаслга - болалик, ўсмирлик, йигитлик, етуклик ва кексалик даврига бўлиб инсон болалик ва ёшлигида асосий пойдеворни қуриш керак, яъни кексалигини таъминлаш керак, деб бежиз айтмаганлар.

Ҳозир болалар илм кетидан куваёптиларми? Йўқ, техни-

ат лицейи ўқувчиларининг истеъдодлари менга таскин беради. Шахматга, спортнинг бошқа турларига қатнашаётган ёшларга, компютерни ўз измига солаётган болаларга ҳавасим келади. Қани энди биздан яна аниқ фанлар бўйича жаҳон тан олган Ибн Синолар, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Берунийлар шуҳратини такрорлайдиган алломалар етишса. Мен ҳозирги болаларга ишонгим келади. Улардан албатта юртимиз

НАБИРАЛАРИМГА

Аллаларга овуниб
Яйратиб кенг қучоғим.
Ўсиб улгаймоқдадир
Менинг беш овунчоғим.

Беш набирам - бешта бармоғим.
Ташналикда қонган чанқоғим.
Нодира, Малика, Шохжаҳонларим.
Ёзолмаган менинг дostonларим.

Битолмаган байтларим менинг,
Айтолмаган дardларим менинг.
Комилахон, Амирхонларим,
Жонга роҳат, меҳрибонларим.

Кўксимдаги жавоҳирларим
Шоҳ насабли баҳодирларим.
Силсиламда бешта дурумсиз,
Сиз тик қаддим, Сиз гуруримсиз.

Орзуларим, армонларимсиз,
Кўзга қувват, дармонларимсиз.
Қизил юзим- ширмой-нонларим,
Сиз эртанги шараф=шонларим,

Сиз ҳаётим пок томчилари,
Сиз умримнинг давомчилари!



ЛОЛА ВА ҚИЗГАЛДОҚ

Қадим ўтган замонда икки дугона ўтган экан. Уларнинг бирини исми Лола, яна бириники эса Қизгалдоқ экан. Бу икки дугона шунақанги ахил эканки, бир-бирисиз ҳеч овқатланмас экан.

Буларнинг дўстлигини кўролмайдиган Шамол деган ичи қора бир қиз доимо уларни уриштириш пайида юрар экан. Бир куни Қизгалдоқнинг аяси қизига чиройли қизил кўйлак тикибди. Лоланинг онаси ҳам қизига худди шунақа кўйлак совға қилибди. Ўша куни Қизгалдоқ Лоланинг келишини пойлаб ўтириб, ўртоғим келса кўйлагимни кўрсатаман деб кўйлагини тахмоннинг

Азиз болалар, газетамизда бериб борилаётган "Афсонадан-афсоналарга" рукнини давом эттирамиз. Тенгдошларингиздан олаётган мактублар асосида тайёрлаган ушбу саҳифада сиз янги афсоналар билан танишасиз. Сиз ҳам меҳрибон бувижонларингиз, онажонларингиздан эшитган янги ҳали ҳеч ким эшитмаган эртақларни бизга ёзиб юборишингиз мумкин. Мактубларингизни кутамиз.

шумшайиб Шамол ўтирганмиш. Қизгалдоқ уйга бир боғлам ўсмани кўтариб кирар экан ўртоғини кўриб хурсанд бўлиб кетибди. Шошапиша кўйлагини кўрсатмоқчи бўлиб тахмоннинг устидан олиб қараса ҳамма ёғи қирқилган эмиш. Увада-увада бўлиб ётган кўйлагини кўриб Қизгалдоқ йиғлаб юборибди. Шунда Шамол "Ўз кўзим билан кўрдим, Лола кўйлагингни қайчилаб ташлади, сени ёмон кўрар экан", - дебди безрайиб. Лола ҳарчанд бунинг ёлғонлигини айтса ҳам Қизгалдоқ ишонмабди. Аслида бу Шамолнинг иши бўлиб, ўзининг қора мақсадига эришибди. Қизгалдоқ бўлса Лоллага: «Мен сени содиқ дугонам деб юрсам, душманам экансан-ку. Энди уйимдан кетгин. Сендақа дугонам йўқ», - деб-

қарай қизгалдоққа айланиб қолган экан. Шамол эса ҳали ҳам Қизгалдоқ ва Лоланинг баргларини тўкишдан чарчамас экан.

Кўрдингизми, ҳар хил ёлғон гапларга ишониб дўстликни барбод қилиш қандай ёмон оқибатларга олиб келади. Шунинг учун ҳам дўстликни, тўғрисиўзликни ҳамма нарсадан баланд кўйиб, унинг кадрига етиш керак.

**Субҳидам ШАРИПОВА,
Бухоро вилояти
Ғиждувон туманидаги
18-мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.**

ТОҒ ЭЧКИСИ

Қадим замонда Салим деган бола ўтган экан. У ниҳоятда ўжар, қайсар бола бўлиб онасининг ҳам, отасининг ҳам гапига қулоқ солмас экан. Бир куни Салимларнинг уйида егулик қолмабди. Шунда унинг отаси "Мен овчиларга кўшилиб бориб тоғлардан бирон нима овлаб келмасам бўлмайди," - деб йўлга отланибди. Буни кўриб турган Салим мен ҳам бораманга тушибди. Онаси қанча йиғламасин, отаси қанча ялинмасин Салим ўз гапига туриб олибди. Ва ниҳоят отаси олиб кетадиган бўлибди. Йўлда кетатуриб бир горда тунашибди. Салим ўша ерда ҳам ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай гордан ташқарига чиқибди. Отаси ўғлини орқасидан чиқиб қараса, ўғлини бир арслон қувиб келаётган эмиш. Овчилар Салим билан отасини арслондан зўрға кутқариб олишибди. Эртаси куни яна йўлга тушибди. Тоққа чиқишаётганда, Салим бир меш ичимлик сувини тўкиб юборибди. Бундан барчанинг жаҳли чиқибди. Бир пайт Салим чанқадим деб чиқиб йиғлай бошлабди. Отаси эса: «Сувни ўзинг тўққинг, чанқокликка энди чида», - дебди жеркиб. Тоққа кўтарилишаётганда олдиларидан бир булок чиқибди. Салим унинг сувидан ичмап деб, туриб олибди. Ичмагин, бу жодуланган сув деса ҳам қулоқ солмай ўша сувдан ичибди ва кичкина эчкига айланиб шаталоқ отиб тоғнинг чўққисига қочиб кетибди. Бечора отаси унинг орқасидан қанча чоп-



масин, унга етолмабди. Шу-шу Салим тоғ эчкиси бўлиб тоғларда қолиб кетибди.

Кимда ким ота-онасининг, атрофдаги катталарнинг маслаҳатига қулоқ солмас экан, уни ҳаммаша ёмонлик кутади. Шунинг учун катталарни хурмат қилинг. Худбин бўлмаг.

**Лайло ФОЗИЛОВА,
Бухоро вилояти
Ғиждувон туманидаги
4- мактаб ўқувчиси.**

ИЛОН

Ҳали ер юзиде илонлар йўқ бир замонда тошбағир, бир дилозор бола ўтган экан. У ўздан кичкина болаларни тинимсиз қийнар, уларга ҳеч кун бермас экан. Қушлар ҳайвонларнинг боласига қирон келтирар экан. Баҳор келди дегунча ўт, майса, гиёҳ, гулларни янчишдан, пайҳон қилишдан чарчамас экан. Дарахтларга эмаклаб чиқиб у ерда ин қурган турли қушларнинг уясини бузар, жажжи болачаларини ғижимлаб ўлдираар экан.

Баҳор кунларининг бириде қалдирғочлар қайтиб келишиб уларнинг бўғотларига ин қура бошлашибди. Қалдирғочларнинг катта онаси билмай ўша бемехр боланинг уйини бўғотига ин қуриб бола очибди. Бундан хабардор бўлган дилозор бола уйда


ҳеч ким қолмагач, пайт пойлаб оёғининг остига уйдаги кўрпа-кўрпачаларни йиғиб, қалдирғочнинг уйини бузишга бошлабди. Жажжи болаларига овқат излаб юрган қалдирғочнинг бундан хабари йўқ экан. Тошбағир бола кичкина қалдирғочларнинг зорланиб чуғурлашига ҳам парво қилмай уларнинг бошчаларини юлиб ташлабди.

Худди шу пайт чарх уриб она қалдирғоч пайдо бўлибди. Болачаларининг ўлиб ётганини кўриб ўзини тўрт томонга уриб бўзлабди. Бемехр, дилозор бола эса қалдирғочнинг бу ҳолини масҳара қилиб унга тош отибди. Шу пайт еру-осмонни ларзага солган бир овоз янграбди: "Илоё, шундай махлуққа айлангинки, сендан ҳамма безор бўлсин, сендан қочишсин..."

Тошбағир бола бирданига кулча бўлиб ётиб олган илонга айланибди. Қалдирғоч онанинг қарғиши туфайли илонга айланган дилозор бола ҳали-ҳануз қалдирғочдан ўч олиш учун пайт пойлар экан.


Ана шунақа, дилозор бўлсангиз, ҳаёт ҳам сизга дилозорлик қилади. Доимо ҳаммага яхшилик истовчи бўлинг. Зеро, яхшилик-яхши кундир.

**Феруза АШУРОВА,
Навоий вилояти
Қизилтепа туманидаги,
Ойбек номли мактаб
ўқувчиси.**



устига олиб кўйибди. Худди шу пайт Қизгалдоқнинг уйига Шамол кириб келибди. Қизгалдоқ унга кўйлагини кийиб кўрсатибди. Шамолнинг ниҳоятда ғани келибди. Қизгалдоқнинг янги кўйлаги турган жойни кўрган Шамол ёмонлик қилиш учун пайт пойлабди. Бир пайт ўртоғининг уйига Лола кириб келибди. Қараса, Қизгалдоқ ўсма узиб чиқишга кетган экан. Уйда эса

ди. Лола қаттиқ хафа бўлиб йўлга тушибди. Қоронғу тушиб қолгани учун йўлдан адашиб қирларга бориб қолибди. У ердаги ваҳимали овозлардан кўрқиб ғужанак бўлиб ерга ётиб олибди. Эрталаб Лоланинг ота-онаси излаб топганда у гулга, яъни лола гулига айланган экан. Қизгалдоқ эса Шамолнинг шум ниятларидан хабар топгач, томга чиқиб дугонаси Лоланинг уйи томонга қарай-



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
"СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ХАЛҚАРО
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙУЛДОШЕВА, Хотам АБДУРАИМОВ, Инқилоб ЮСУПОВА, Дадахонов ЕҚУБОВ, Миршохид МИРҲАМИДОВ, Сунаиғилла ҚУЗИЕВ, Феруза ОДИЛОВА

"ЁШ ИҚТИСОДЧИ"
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Раъван ҚАМБАРОВ,
Асқар ШОКИРОВ,
Маҳлиё МИРСОАТОВА

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-094. 39.983 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083,
• Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон: 1-33-44-25
• 1-36-57-91
• 1-36-54-21